

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқи асосида
УЎК: 616.36.003.826 : 616.001.31

ОБЛОҚУЛОВА САЙЁРА АБДУРАШИТ ҚИЗИ

**ОРҚА МИЯ ТРАВМАТИК ЖАРОҲАТЛАНИШИДА ЖИГАР
МОРФОМЕТРИК ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ**

МОНОГРАФИЯ

Бухоро-2026

ҚИСҚАРТМАЛАР РҰЙХАТИ

АЛТ	—	аланинаминотрансфераза
АСГ	—	алкоголсиз стеатогепатит
АСТ	—	аспартатаминотрансфераза
АЁЖК	—	алкоголсиз ёғли жигар касаллиги
ВЁТ	—	висцерал ёғ тўқимаси
Г-Э	—	Гематоксилин-Эозин
ГГТ	—	гамма-глутамилтрансфераза
ГЦК	—	гепатоцеллюляр карцинома
ДАБ	—	диаминбензидин
ДВЮ	—	динамик вазн юкламаси
ЖССТ	—	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ИГК	—	иммуногистокимёвий
ИФ	—	ишқорий фосфатаза
ИФТ	—	иммунофермент таҳлил
ЛДГ	—	лактатдегидрогенеза
МДСГ		метаболик дисфункция билан боғлиқ стеатогепатит
МДСЖК	—	метаболик дисфункция билан боғлиқ стеатотик жигар касаллиги
МРС	—	магнит-резонанс спектроскопия
НДС	—	нейродегенератив синдром
ОМЖ	—	орқа мия жароҳатланиши
ОМТЖ	—	орқа мия травматик жароҳатланиши
ОМШ	—	орқа мия шикастланиши
ПЗР	—	полимераза занжир реакцияси
СОД	—	супероксиддисмутаза
ТМИ	—	тана массаси индекси
ТЭМ	—	трансмиссион электрон микроскопия
ЎОМШ	—	ўткир орқа мия шикастланиши

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	15
§1.1. Орқа мия жароҳатидан кейинги полиорган дисфункцияси ва тизимли яллиғланиш ҳақида замонавий тушунчалар	15
§1.2. Турли фавқулоддаги вазиятларда орқа мия травматик жароҳатланиши оқибатида юзага келадиган жигарнинг ўзига хос морфофункционал хусусиятлари	24
§ 1.3. Тажрибада юзага келадиган морфофункционал ўзгаришларни бартараф қилиш жиҳатлари.....	38
II БОБ. МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАР	44
§2.1. Орқа мия шикастланишини келтириб чиқарадиган “метал шарчали маятник” ҳодисаси симуляция моделини ўтказиш методологияси	44
§2.2. Орқа мия шикастланишидан кейин жигарда бўладиган морфометрик ўзгаришларни аниқлаш	50
§2.3. Микропрепаратларни бўяшда иммуногистохимёвий усулдан фойдаланиш.....	51
§2.4. Тадқиқотда жигарнинг функционал хусусиятларини ўрганиш	54
§2.5. “Fitoliver” (Қушқўнмас+маккаи сано) БФҚ фармакологик хусусиятлари	55
§2.6. Т адқиқот натижаларининг статистик таҳлили	56
III БОБ. НАЗОРАТ ГУРУҲИДАГИ ВА ОРҚА МИЯ ТРАВМАТИК ЖАРОҲАТЛАНИШИДАГИ ЖИГАРНИНГ МОРФОМЕТРИК НАТИЖАЛАРИ	58
§3.1. Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфометрик параметрлари	58
§3.2. Орқа мия травматик жароҳатланишининг ўткир даврида лаборатория ҳайвонлар жигарининг морфометрик параметрларининг ўзгаришлари	60

§3.3. Орқа мия травматик жароҳатланишининг эрта даврида жигар тўқимасида юзага келадиган морфометрик ўзгаришлари.....	66
§3.4. Орқа мия травматик жароҳатланишидан кейин жигар тўқимасида юзага келадиган гистокимёвий (Альциан кўки) ўзгаришлари натижалари.....	72
IV БОБ. ОРҚА МИЯ ТРАВМАТИК ЖАРОҲАТЛАНИШИДА ЖИГАРДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ БИОКОРРЕКЦИЯЛАШ ВА ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ЭКСПРЕССИЯЛАНИШ ДАРАЖАЛАРИ (Ki-67, Bcl-2)	78
§4.1. Орқа мия травматик жароҳатланишида жигарнинг морфологик ва морфометрик параметрларини дори воситалари таъсиридан кейинги ўзгаришлари	78
§4.2. Орқа мия травматик жароҳатланишида жигардаги морфологик ўзгаришларни иммуногистокимёвий Bcl-2 маркери экспрессияланиши даражалари	83
§4.3. Орқа мия травматик жароҳатланишида жигардаги морфологик ўзгаришларни иммуногистокимёвий Ki-67 маркери экспрессияланиш даражалари ёрдамида таҳлил қилиш	87
§4.4. Қон биокимёвий таҳлили натижалари ва “Fitoliver” воситаси таъсиридан кейинги ўзгаришлари	89
ХОТИМА.....	97
ХУЛОСА.....	110
АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР.....	112
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	113

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра “...ҳар йили дунёда 250 000 дан 500 000 гача одамларда орқа мия шикастланиши кузатилади ва натижада бутун дунё бўйлаб 15 миллиондан ортиқ инсонлар орқа мия шикастланиши (ОМШ) билан яшайди...”¹. ОМШ нинг асосий сабаблари йўл-транспорт ҳодисалари (38%), йиқилишлар (22,2%), спорт жароҳатлари ва бахтсиз ҳодисалар (22,5%) ҳисобланади. Турли аъзолар тизимларининг функционал морфологияси ҳозирги вақтда турли даражадаги фундаментал популяция, организм, аъзо, тўқима, ҳужайра ва цитогенетик умумий биологик позициялар, шунингдек амалий жиҳатдан кенг ўрганилмоқда. Тирик мавжудотлар организмига доимо турли хилдаги биологик, кимёвий ва физик зарарли омиллар таъсир қилади. Физикавий омиллар орасида механик шикастланишнинг бир қатор аъзо ва тизимлар, жумладан жигарнинг функционал морфологиясига таъсирини таҳлил қилиш шубҳасиз муҳим ва долзарбдир.

Дунёда инсон саломатлигига таъсир этувчи турли ташқи ва ички омиллар натижасида жигар тўқимасида юзага келадиган морфофункционал ўзгаришларни ҳар томонлама ўрганиш бўйича кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, юқори энергияли омиллар, токсик таъсирлар, метаболик издан чиқиш, инфекцион агентлар ҳамда травматик жараёнлар жигарда турли даражадаги дистрофик, некробиотик ва адаптив-компенсатор реакцияларни келтириб чиқариши маълум. Шу муносабат билан орқа мия травматик жароҳатланиши натижасидаги жигардаги морфофункционал ўзгаришларни турли даврларида аниқлаш, иммуногистокимёвий тадқиқ этиш, улар натижасида келиб чиқадиган асоратларни эрта башоратлаш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар бугунги кунда фундаментал ва клиник тиббиётнинг олдида турган долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹ Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти расмий веб-сайти (мурожаат қилинган сана 2025-йил).
<https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/spinal-cord-injury>

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш ва жигар касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 22-январдаги ПҚ-38-сон “...соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, тиббиёт кадрларининг салоҳиятини ошириш, нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш...”² ни амалга ошириш каби бирламчи вазифалар белгилаб берилган. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021-йил 28-июлдаги ПҚ-5199 сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», шунингдек ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатда тиббий хизматлар сифатини ошириш, илғор халқаро тажрибаларни жорий этиш, соҳага инновацион технологияларни татбиқ қилиш ва аҳоли саломатлигини тубдан яхшилашга доир комплекс ислоҳотларни қамраб олади. Тадқиқотнинг йўналиши мазкур стратегик мақсадларга мос равишда танланган бўлиб, орқа мия жароҳатланиши каби оғир патологик ҳолатларда ички аъзолардаги ўзгаришларни илмий асосда ўрганишга йўналтирилган.

Шу билан бирга, ушбу тадқиқот иши соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, диагностика ва даволашнинг замонавий методларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Жумладан, жигар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 22-январдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-38-сонли қарори <https://lex.uz/docs/6775377>

тўқимасидаги морфофункционал ўзгаришларни аниқлаш ва уларнинг патогенетик асосларини очиб бериш, жароҳатланиш ҳолатларида юзага келадиган асоратларни эрта башоратлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича илмий хулосалар шакллантириш орқали мазкур тадқиқот миллий соғлиқни сақлаш тизимидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Fernandez-Canadas et al. (2025) орқа мия шикастланиши кузатилган каламушларда жигарнинг юлдузсимон хужайраларининг вақтинчалик фаоллашувини аниқлаб, бу глиял фибрилляр кислотали оксилнинг ўткир пасайишидан бошланиб, SMA+ миофибробластсимон хужайраларда морфологик ва фенотипик трансформацияга олиб келишини исботлашган. Лихтерман Л.Б. ва ҳаммуаллифларнинг (2019) маълумотларига кўра, оғир бош мия жароҳати жигар қон айланишининг артериаллашуви ҳисобига синусоидлардаги ҳажмли қон айланишининг кўпайиши билан кечади. Hajduch E., et al. (2021) ўз тадқиқотларида ўткир ОМШдан кейин қон зардобидеги АЛТ миқдори кўрсаткичини кечикиб ошишини кузатишган.

Шу билан бирга бир гуруҳ олимлар томонидан турли касалликлар ва заҳарланишларда жигарнинг функционал-метаболик ва биокимёвий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган (Сукач М.С., 2012; Зверинский И.В., 2013; Гаспарян Г.Г., 2015; Репина Э.Ф. ва ҳаммуал., 2023), аммо ОМТЖда жигардаги морфофункционал ўзгаришлар, жумладан иммуногистокимёвий хусусиятларнинг ўзгариши ҳозирги кунгача деярли ўрганилмаган.

Тешаев Ш.Ж., Олимова А.З. (2022) олган маълумотларига кўра, бош мия шикастланишида тажриба каламушлар жигарида назорат гуруҳи билан солиштирилганда биринчи ҳафтада барча структуравий кўрсаткичларнинг ошганлиги аниқланган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар орқа мия травматик жароҳатланишида каламуш жигарини махсус морфологик ва биокимёвий текширишни ўтказишга ва шикастланишнинг турли даврларида ўрганишга ундайди. Шу билан бирга патологик ҳолатларни камайтириш мақсадида коррекция учун халқ табobati воситаси ҳисобланмиш “Fitoliver” биологик фаол қўшимчанинг самарадорлигини баҳолашни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (11.2025 PhD 245) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади орқа мия травматик жароҳатланишининг турли даврларида жигарда кечадиган морфофункционал ўзгаришларни қиёсий баҳолаш ҳамда уларни коррекция қилишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

орқа мия травматик жароҳатланишининг ўткир даврида лаборатория ҳайвонлари жигарининг морфометрик параметрларининг ўзгаришларини аниқлаш;

орқа мия травматик жароҳатланишининг эрта даврида жигар тўқимасида юзага келадиган морфометрик ўзгаришларни ўрганиш;

орқа мия травматик жароҳатланишида жигардаги морфологик ўзгаришларни иммуногистокимёвий экспрессияланиш даражаларини қиёсий баҳолаш (Ki-67, Bcl-2);

орқа мия травматик жароҳатланишида жигарнинг морфологик ва морфометрик параметрларини дори воситалари таъсиридан кейинги ўзгаришлар қиёсий таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 295 та ҳар иккала жинсга мансуб бўлган 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида лаборатория ҳайвонлари жигарининг гистологик материаллари ва қон зардоби биокимёвий таҳлил натижалари хизмат қилган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда макроскопик, гистологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, биокимёвий, шунингдек статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор орқа мия шикастланишининг ўткир даврида жигарнинг марказий веналари диаметри, гепатоцитлар ва уларнинг ўзаги ўлчамлари катталашганлиги, сўнгра динамикада эрта даврда ушбу кўрсаткичлар камайиши исботланган;

илк бор орқа мия шикастланишининг турли даврларида жигар тўқимасида лейкоцитар инфильтрациянинг ошиши, гепатоцитлар ўлчамларининг кичрайиши, уларнинг цитоплазмасида ёғ ва оқсил моддасига хос бўлган киритмаларнинг йиғилиши, томир девори ва интерстициал соҳаларда бириктирувчи тўқимага хос бўлган коллаген толалар миқдорининг купайиши аниқланган;

илк бор назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар жигар тўқимасида Bcl-2 маркёрининг ошганлиги ва дори воситалари қўлланган гуруҳда эса 1,14 марта Bcl-2 маркёрининг экспрессияси камайиши, Ki-67 маркёри экспрессияланиш даражасининг пасайиши ҳамда дори воситалари қўллангандан кейинги гуруҳда ошганлиги исботланган;

“Fitoliver” БФҚ оқ зотсиз каламушлар орқа мия шикастланишдан кейинги жигарнинг цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ ва ЛДГ) назорат гуруҳи каламушларига нисбатан ишончли равишда камайиб, меъёрга яқинлашганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

жигарнинг микроскопик тузилишига орқа мия травматик

шикастланишининг таъсир қилиш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишнинг босқичма-босқич методологияси ишлаб чиқилган ва тиббий амалиётга тавсия этилган;

орқа мия травматик жароҳатланиши (ОМТЖ) фонида “Fitoliver” билан даволанганда аниқланган морфологик ва морфометрик параметрлар ҳамда биокимёвий кўрсаткичлар танланган коррекция усулининг ижобий таъсирини исботлади, бу эса ушбу халқ табobati воситасини турли жароҳатлар билан касалланган беморларни комплекс даволашда ишлатиладиган дорилар қаторига киритишга имкон беради;

олинган маълумотлардан тиббиёт олий ўқув юртларининг фармакология, анатомия, гистология, патологик анатомия ва гастроэнтерология фанларидан маъруза ва амалий машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот дизайнига назарий ёндашув ва олиб борилган тадқиқот босқичларининг услубий жиҳатдан тўғрилиги, замонавий, бир-бирини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистологик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллариининг тўғри танланганлиги ва қўлланилганлиги, ОМТЖ фонида “Fitoliver” БФҚ билан коррекциядан сўнг жигар тўқимасининг ҳолати бўйича олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Иш натижаларининг илмий аҳамияти ювенил даврда ва орқа мия травматик жароҳатида жигар таркибий қисмларининг ривожланиш қонуниятлари ва тузилиши ҳақидаги назарий билимларни тўлдириш ва бойитишга, шикастланишнинг аъзога таъсир қилиш даражасини баҳолаш ва жигарнинг заиф бўлган даврларини аниқлашга имкон беради ва улар илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОМТЖ фонида жигар гепатоцитларида, стромада, микроциркулятор ўзан томирларидаги патологик

ўзгаришларнинг олдини олиш, эрта ва кечки асоратлар пайдо бўлганда самарали даволашнинг комплекс чора тadbирларини ишлаб чиқиш ва илмий лабораторияларда мавжуд экспериментал тадқиқот усуллари тақомиллаштиришга ёрдам берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Орқа мия травматик жароҳатланишида жигар морфометрик параметрларининг қиёсий тавсифини ўрганиш натижасида олинган илмий хулосалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор орқа мия шикастланишининг ўткир даврида жигарнинг марказий веналари диаметри, гепатоцитлар ва уларнинг ўзаги ўлчамлари катталашганлиги, сўнгра динамикада эрта даврда ушбу кўрсаткичлар камайиши исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* орқа мия жароҳатидан сўнг динамикасида жигарда юзага келадиган жараёнларини баҳолаш мақсадида беморларда касалликни эрта ташхислаш имкони яратилди, аниқланган динамика клиник амалиётда прогноз беришни енгиллаштирди ҳамда шифокорлар учун беморларни назорат қилиш алгоритмларини тақомиллаштиришга ҳамда ташхислаш тартибини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* жигардаги ўзгаришларни эрта аниқлаш орқали асоратларнинг олдини олиш, даволаш харажатларини қисқартириш ва реабилитация муддатини камайтириш имкони яратилди. *Хулоса:* Оптимал ташхис ва назорат тактикаларининг жорий этилиши ҳар бир бемор учун ўртача 300000 сўмгача иқтисодий тежамкорликка эришиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: илк бор орқа мия шикастланишининг турли даврларида жигар тўқимасида лейкоцитар инфильтрациянинг ошиши, гепатоцитлар ўлчамларининг кичрайиши, уларнинг цитоплазмасида ёғ ва оксил моддасига хос бўлган киритмаларнинг йиғилиши, томир девори ва интерстициал соҳаларда бириктирувчи тўқимага хос бўлган коллаген толалар миқдорининг купайиши аниқланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* орқа мия шикастланишининг турли даврларида жигарнинг лейкоцитар инфильтрациянинг ошиши, гепатоцитлар ўлчамларининг кичрайиши, уларнинг цитоплазмасида ёғ ва оксил моддасига хос бўлган киритмаларнинг йиғилиши,

томир девори ва интерстициал соҳаларда бириктирувчи тўқимага хос бўлган коллаген толалар миқдорининг купайиши каби механизмлари тизимли тартибида очиб бериш натижасида хасталикни эрта ташхислаш орқали унинг натижасида юзага келадиган асоратларнинг олдини олишга шароит яратилганлиги ва хасталикни самарали даволаш тизимини шакллантиришга асос бўлиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ногиронликни олдини олишга асос бўлган. *Иқтисодий самарадорлиги:* морфологик баҳолашнинг аниқлиги туфайли ортиқча биопсия ва қиммат ташхис усулларига эҳтиёж камайди. *Хулоса:* Асоратларни эрта олдини олиш ва тўғри реабилитация тактикаси харажатларни сезиларли даражада қисқартиради ҳамда ҳар бир бемор учун ўртача 300000 сўмгача иқтисодий тежамкорликни таъминлайди.

учинчи илмий янгилик: илк бор назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар жигар тўқимасида Bcl-2 маркёрининг ошганлиги ва дори воситалари қўлланган гуруҳда эса 1,14 марта Bcl-2 маркёрининг экспрессияси камайиши, Ki-67 маркёри экспрессияланиш даражасининг пасайиши ҳамда дори воситалари қўллангандан кейинги гуруҳда ошганлиги исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* иммуногистохимёвий таҳлил асосида орқа мия жарохатидан сўнг жигар тўқимасида Bcl-2 ва Ki-67 маркерлари шикастланиш жараёнида апоптоз ва регенерация ҳолатини баҳолаш имконини яратди, клиник амалиётда биомаркерлардан фойдаланиш беморларни индивидуал назорат қилиш имконини берди, шифокорлар учун прогноз бериш ва даволаш тактикасида янги кўрсатмалар пайдо бўлди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ушбу замонавий таҳлил натижаларида биомаркерлар асосида тўғри ташхис қўйиш орқали асоратлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар камайди, самарасиз даволаш усуллари камайтирилди, биомаркерларни жорий қилиш орқали тезкор ва иқтисодий тежамкор ташхис усули қўлланилди ва узоқ муддатли реабилитация харажатлари қисқарди. *Хулоса:* орқа мия жарохатидан сўнг жигар структурасида келиб чиқадиган ўзгаришларни эрта ташхислаш натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва тўғри

реабилитация тактикасини танлаш натижасида харажатлар бюджет маблағлари 10,3% иқтисод қилинган.

тўртинчи илмий янгилик: “Fitoliver” биологик фаол қўшимчаси оқ зотсиз каламушлар орқа мия шикастланишдан кейинги жигарнинг цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ ва ЛДГ) назорат гуруҳи каламушлариги нисбатан ишончли равишда камайиб, меъёрга яқинлашганлиги исботланган. *Ижтимоий самарадорлиги:* орқа мия жароҳатидан сўнг жигарда юзага келадиган структур ўзгаришларни олдини олишда “Fitoliver” биологик фаол қўшимчаси қўлланилганда жигар фаолияти тикланиши беморларнинг ҳаётий сифатини оширди, асоратлар хавфи камайиб, беморнинг тузалиш даври қисқариши таъминланади ва табиий воситалардан фойдаланиш аҳоли орасида хавфсиз ва арзон даволаш имконини яратди. *Иқтисодий самарадорлиги:* “Fitoliver” биологик фаол қўшимчаси қўлланилганда даволаш жараёни самарали бўлиб, соғлиқни сақлаш харажатлари камайтириш имконини яратиб берди ҳамда клиник амалиётда ушбу воситадан фойдаланиш ҳар бир бемор учун ўртача 300000 сўмгача иқтисодий тежамкорликка эришиш имконини беради. *Хулоса:* орқа мия шикастланишидан кейин жигарда кечадиган морфологик ва биокимёвий ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг динамикасини баҳолаш ҳамда “Fitoliver” биологик фаол қўшимчаси қўлланилганда цитолитик синдром кўрсаткичларининг меъёрга яқинлашишини исботлаш орқали жигар фаолияти тикланишига, асоратлар хавфини камайтиришга ва реабилитация самарадорлигини оширишга эришилган.

Оқ зотсиз каламушлар қон зардобини биокимёвий кўрсаткичларига "Фитоливер" воситаси таъсирини аниқлаш усуллари соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали (14.06.2025-йил 210-сон буйруқ асосида) ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалида (12.06.2025-йил 87-сон буйруқ асосида) клиник амалиётга тадбиқ этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21-сонли йиғилиш баённомасига асосан амалиётга тадбиқ бўйича 21/26-сонли ягона хулоса олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика конференцияларида тақдим этилган ва муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси халқаро нашрда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

§1.1. Орқа мия жароҳатидан кейинги полиорган дисфункцияси ва тизимли яллиғланиш ҳақида замонавий тушунчалар

ОМЖ билан жабрланган одамларнинг жисмоний имкониятларини сезиларли даражада чеклаб қўядиган ҳодисалардан биридир. Орқа миянинг маҳаллий шикастланишидан ташқари, ОМЖ билан оғриган беморларда кўплаб аъзоларнинг дисфункцияси ёки етишмовчилиги билан тавсифланадиган турли хил асоратлар ривожланади. Нейроген оғрик, депрессия, ўпка шикастланиши, юрак-қон томир касалликлари, жигар шикастланиши, буйрак дисфункцияси, сийдик чиқариш йўллари инфекцияси ва патоген инфекцияга юқори сезувчанлик каби касалликлар жароҳатланган беморларда кенг тарқалган бўлиб, функционал тикланишга тўсқинлик қилади ва ҳатто ҳаёт учун хавфли бўлиши мумкин. Кўплаб далиллар шикастланган орқа миядан келиб чиқадиган патологик алоқалар, жароҳатдан кейинги тизимли яллиғланиш ва иммунитетнинг сусайиши ОМЖдан кейинги асоратларнинг асосида ётувчи муҳим кўп омилли механизмлар эканлигини кўрсатади. ОМЖ иммунитет ҳужайраларининг ва яллиғланиш медиаторларининг юқори айланиши билан тавсифланадиган тизимли яллиғланиш реакцияларини кўзғатади, бу эса иккиламчи аъзоларга яллиғланиш ҳужайраларининг инфильтрациясига ва аъзолар дисфункциясига ёрдам берувчи яллиғланиш микромуҳитининг сақланишига олиб келади. ОМЖ, шунингдек, иммунитет аъзоларининг дисфункцияси орқали иммунитет танқислигини келтириб чиқаради, бу патоген инфекцияга қарши реакциянинг бузилишига олиб келади [164; 260-6.].

Сезувчанлик ва ихтиёрий ҳаракатларнинг бузилишидан ташқари, ОМЖ автоном нерв тизимининг ишини бузади ва организм функцияларини мувофиқлаштиришда орқа миянинг муҳим аҳамияти туфайли кўплаб аъзоларда дисфункция ёки етишмовчиликни келтириб чиқаради [161; 29–39-б.].

ОМШ дан кейинги кўп аъзоли дисфункция кўплаб компонентларнинг мураккаб тартибга солиши остида бўлади. Мия устуни соҳаларидан (масалан, кўприк ва узунчоқ мия) келиб чиқувчи бош мия нервлари кўплаб аъзоларнинг функцияларини назорат қилади ва мия устуни рефлекслари орқа мия шикастланган беморларда ўзгарганлиги ҳақида хабар берилган [125; 45–53-б.]. Ўпка асоратлари, масалан, нафас етишмовчилиги ва ўпка инфекцияси, ОМЖ билан оғриган беморларда кенг тарқалган ва бу жабрланган шахсларда касалланиш ва ўлимга сезиларли даражада ҳисса қўшади [71; 1400–7-б., 173; 1111–4-б.]. ОМЖ билан оғриган беморларда ўпка дисфункцияси, шу жумладан, ўткир респиратор дистресс синдроми ва ўткир ўпка шикастланиши ривожланиш эҳтимоли юқори [180; 461–5-б.]. Ўпка ОМЖ келтириб чиқарган ўткир яллиғланишнинг асосий нишонидир. Орқа миянинг компрессиясининг каламуш моделидан фойдаланиб, Gris D, et.al. (2008) ОМЖдан кейин бир неча соат ичида нейтрофилларнинг сезиларли фаоллашуви ва ўпка тўқимасига инвазияси, шунингдек, жароҳатланишдан 3 кундан кейин ўпкага макрофагларнинг сезиларли инфильтрацияси ҳақида хабар беришди [94; 259–70-б.].

Орқа мияси шикастланган беморлар кўпинча юрак-қон томир касалликларидан азият чекади, бу эса бу одамларнинг ўлимининг асосий сабабидир [160; 609–21-б.]. ОМЖдан кейин вегетатив нерв тизимининг бузилиши қон босими ва юрак ритмининг тартибга солинишининг бузилишига олиб келади [148; 1927–42-б.]. Афферент стимуляциядан кейин ўткир гипертензия билан тавсифланадиган автоном дисрефлексия ОМЖ билан оғриган беморларда, айниқса, юқори даражадаги жароҳатларда тез-тез кузатилади [183; 245–63-б.]. ОМЖ билан оғриган сичқонларда автоном дисрефлексиянинг ривожланиши ҳам кўрсатилган [106; 687–93-б.].

ОМЖнинг жигар фаолиятига таъсири кам сонли тадқиқотларда ўрганилган бўлсада, Sipski ML et al. (2004) сурункали ОМЖ билан оғриган беморларда жигар аномалиялари ҳақида хабар беришди [159; 101–8-б.].

Жигар ОМЖдан кейин одатда кузатиладиган метаболик дисфункцияда муҳим аҳамият ўйнагани сабабли, жигар дисфункцияси орқа мия жароҳати билан боғлиқ бўлиши мумкин деб тахмин қилиш ўринлидир. Дарҳақиқат, ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотлар орқа миянинг травматик шикастланиши нейтрофилларнинг инфильтрациясига, макрофагларнинг фаоллашувига ва жигарда яллиғланиш цитокинлари ва хемокинларининг экспрессиясига олиб келишини кўрсатди [62; 1487–97-б.]. Бу яллиғланиш жароҳатдан кейин 30 дақиқа ўтгач пайдо бўлади [105; 691–6-б.] ва унинг оғирлиги шикастланиш даражаси билан боғлиқ [83; 1194–201-б.]. Шуни таъкидлаш керакки, кемирувчиларнинг жигарида ОМЖдан кейин липидларнинг сезиларли тўпланиши аниқланган [157; 159–69-б.]. Шикастланган орқа мияда липидларнинг тўпланиши билан боғлиқ бўлган миелин билан юкланган макрофагларнинг яллиғланиш ва цитотоксик таъсирларини ҳисобга олган ҳолда [188; 635–51-б., 98; 48-б., 165; 9380-б.], макрофаглар воситачилигидаги яллиғланиш орқа мия жароҳатидан кейин жигар фаолиятининг бузилишига сезиларли даражада ҳисса қўшиши мумкин [98; 48-б.].

ОМЖ сийдик пуфагининг супраспинал назоратини бузиши ва сийдик пуфагини сақлаш ва бўшатиш соҳасидаги дисфункция билан тавсифланадиган нейроген сийдик пуфагига олиб келиши мумкин [104; 747–53-б., 60; 1800–6-б.]. Мос равишда, ОМЖ билан оғриган беморларда сийдик чиқариш йўллари инфекциялари ва буйрак шикастланиши хавфи ортади, буларнинг иккаласи ҳам ҳаёт учун хавфли бўлиши мумкин [55; 3018–26-б., 181; 521–6-б., 158; 17-б., 66; 1454–61-б.]. Травмадан кейин нейрон киришнинг тўғридан-тўғри йўқолишидан ташқари, яллиғланиш ОМЖ билан оғриган беморларда сийдик чиқариш тизими дисфункциясининг патогенезида иштирок этади.

ОМШ — бу асаб тизимининг шикастланишидан ташқарига чиқадиган ҳолатдир. Шикастланиш даражасига қараб, қатор аъзолар дисбаланси ривожланади, бу эса ўз навбатида беморнинг неврологик ҳолатига таъсир

килади [103; 113009-б., 95; 1126-б., 91; 113160-б.]. Шундай аъзолардан бири жигар бўлиб, унинг функциясининг бузилиши ОМШ билан оғриган беморларда кузатиладиган турли метаболик бузилишларни ўткир ва эрта босқичлардаги тизимли яллиғланиш профилини қисман тушунтириши мумкин [166; 2300481-б.]. ОМШ ўткир даврли жавобни (ЎДЖ) қўзғатади, цитокинлар ва хемокинлар даражасини оширади ва жигарда нейтрофил инфильтрациясини [105; 691–6-б., 83; 1194–201-б.] жароҳатдан кейинги 1-2 соат ичидаёқ оширади ва 6-12 соатдан кейин чўққига етади [105; 691–6-б., 86; 1923–1934-б.]. Қолаверса, биринчи кунларда жигар макрофаглари/Купфер хужайралари фаоллашади [157; 159-69 -б.], қон айланиши бузилади [85; 603–8-б.] ва глюкоза метаболизми бузилади [86; 1923–1934-б.]. Аммо жигарнинг фаоллашуви орқа мия шикастланишидан кейинги эрта босқичлардан ташқарига чиқади: макрофаглар/Купфер хужайраларининг сурункали фаоллашуви [157; 159–69-б., 92; 2872–2882-б., 90; 113725-б.], гепатоцитларда липид томчиларининг тўпланиши, жигар стеатозига хос [166; 2300481-б., 157; 159–69-б., 92; 2872–2882-б., 90; 113725-б., 89; 114847-б.], биринчи ҳафтадан липид алмашинувининг ўзгариши [166; 2300481-б., 157; 159-69-б.], шунингдек, темир ва ферритиннинг тўпланиши кузатилади [157; 159-69-б., 92; 2872-2882-б.]. Сурункали яллиғланиш ва липидларнинг тўпланиши орқа мия шикастланиши сабаб бўлган метаболизм бузилиши билан боғлиқ стеатогепатит ҳақидаги таклифга олиб келди [91; 113160-б., 166; 2300481-б., 157; 159-69-б.]

Сўнгги йилларда жигарда резидент бўлган хужайра турлари, масалан, гепатоцитлар ва Купфер хужайраларининг ОМШдан кейинги баъзи роллари тасвирланган [166; 2300481-б., 83; 1194–201-б., 157; 159–69-б.], аммо бошқа муҳим популяцияга кам эътибор қаратилган: жигар юлдузсимон хужайралари (ЖЮХ) синусоидал эндотелиал жигар хужайралари ва гепатоцитлар орасидаги Диссе бўшлиғида жойлашган ва жигарнинг резидент хужайраларининг тахминан 10% ини ташкил қилади

[176; 397–411-б.]. Соғлом шароитларда ЖЮХ цитоскелетида глиал фибрилляр кислотали оксилни экспрессия қилиб [176; 397–411-б., 65; 200–9-б.], А витаминини сақлаб, жигар микроциркуляциясини тартибга солиб ва иммунитет регуляторлари сифатида ишлаб, тинч фенотипни қўллаб-қувватлайди [176; 397–411-б., 115; 1825–1837-б.].

Жигар шикастлангандан/стрессдан сўнг ЖЮХ фаоллашади ва SMA+ миофибробластга ўхшаш хужайраларга айланади ва хужайрадан ташқари матрицани сезиларли даражада ишлаб чиқаради ва этиологиясидан қатъий назар, жигардаги фиброген хужайраларнинг асосий турига айланади [176; 397–411-б., 57; 209–18-б., 138; 2823-б.].

Жигарнинг ўртача фибрози ва яллиғланиши яраларнинг битиши реакциясининг бир қисми бўлиши мумкин бўлсада [176; 397–411-б., 176; 397–411-б., 57; 209–18-б.], жигарнинг узоқ муддатли шикастланиши ёки стресс регенерацияни бузиши ва хужайрадан ташқари матрицанинг ҳаддан ташқари тўпланишига ва фиброз чандиқ ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин [176; 397–411-б., 57; 209–18-б., 120; 397–411-б., 57; 209–18-б., 120; 151–166-б.]. Фиброз, бироқ, фиброген стимул тўхтатилгандан сўнг қайтарилиб, ЖЮХнинг ўлими, қариши ёки деактивлашишини келтириб чиқариши мумкин [120; 151–166-б., 133; 1728–1744-б., 53; 150059-б.]. Дарҳақиқат, ЖЮХнинг деактивлашгани фиброз ва жигар шикастланишини бартараф этиш учун тобора кўпроқ ўрганилмоқда [133; 1728–1744-б., 53, 150059-б.]. Бу ерда биз биринчи марта клиник аҳамиятга эга бўлган ОМШ моделига жавобан ЖЮХнинг фаоллашув жараёнини тасвирлаймиз.

ОМШ беморларда жигар фаолиятининг бузилиши ва метаболик дисфункция билан боғлиқ стеатоз жигар касаллигининг (МДСЖК) ривожланишига олиб келади [78; 253–260-б.]. Экспериментал моделлар шунингдек, ОМШдан тикланишга таъсир қилиши мумкин бўлган жигарнинг ўткир ва сурункали ўзгаришларини кўрсатади [91; 113160-б., 166; 2300481-б., 105; 691–6-б., 83; 1194–201-б., 86; 1923–1934-б., 157; 159–

69-б., 92; 2872–2882-б., 90; 113725 -б., 53; 150059-б., 61; 223–30-б., 56; 1626–37-б.].

Fernandez-Canadas et al. (2025) ОМШда каламушларда ЖЮХнинг вақтинчалик фаоллашувини тасвирлаб, бу глиал фибрилляр кислотали оксилнинг ўткир пасайишидан бошланиб, SMA+ миофибробластсимон хужайраларга морфологик ва фенотипик трансформацияга олиб келишини исботлашган. Бу трансформация жароҳатдан кейинги 14-кунда энг юқори чўққига етади ва 45-кунга келиб назорат даражасига қайтади. Бу ўзгаришлар ўрганилган вақт давомида фиброзга олиб келмайди, лекин 45 кундан кейин перипортал зоналарда ўртача коллаген чўкиндиляри ҳосил бўлади [82; 2826-б.]. ЖЮХ жигарнинг нормал фаолиятида турли хил ролларни ўйнайди, лекин тинч ҳолатда пролифератив бўлмайди [176; 397–411-б., 115; 1825–1837-б.]. Улар турли этиологияли жигар шикастланишидан кейин фаоллашади ва хужайрадан ташқари матрицанинг чўкиши учун биринчи навбатда жавобгар бўлади, бу зарарли стимул сақланиб қолса, фиброзга олиб келиши мумкин [176; 397–411-б., 57; 209–18-б., 138; 2823-б., 64; 867940-б.]. Сурункали жигар шикастланиши бўйича адабиётларнинг катта қисми ЖЮХнинг фаоллашувини тасвирлайди, бу глиал фибрилляр кислотали оксил+ ретиноид кислотага бой, шохланган хужайралардан SMA+ коллаген секреция қилувчи, фибробластсимон хужайраларга камроқ ўсимталар билан фенотипик ўзгаришни ўз ичига олади [176; 397–411-б., 138; 2823-б., 64; 867940-б.].

ОМШ (макрофагларнинг фаоллашуви, нейтрофилларнинг инфльтрацияси, яллиғланиш цитокинларининг кўпайиши, жигарда қон оқимининг пасайиши, катехоламинлар даражасининг ошиши, кислород эркин радикалларнинг тўпланиши ва липидларнинг пероксидланиши) томонидан келтириб чиқарилган жигардаги эрта ўзгаришлар [166; 2300481-б., 105; 691–6-б., 83; 1194–201-б., 157; 159–69-б., 85; 603–8-б., 61; 223–30-б., 56; 1626–37-б.] ЖЮХнинг маълум фаоллаштирувчилари [176; 397–411-б.] бўлиб, глиал фибрилляр кислотали оксилнинг вақтинчалик пасайишига

сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, бунинг аниқ механизми номаълумлигича қолмоқда: у ген ва оксил экспрессиясининг тез пасайишини (122; 1313-21-б., 185; 416–31-б., 109; 655–65-б.); антигенларни таниб олишга таъсир қилувчи оксилларнинг вақтинчалик модификациялари ёки протеолизи [114; 77–91-б., 67; 00125-б.] ёки одам антитаналарининг глиал фибрилляр кислотали оксилга қарши табиий циркуляцияловчи аутоантитаналарнинг юқори даражаси билан рақобатини ўз ичига олиши мумкин, булар беморларда ОМШдан кейин кўпайиши маълум [101; 90–3-б., 52; 2365-б.].

ОМЖнинг мотор, сенсор ва вегетатив функцияларнинг йўқолиши билан боғлиқ бўлган бевосита оқибатларидан ташқари, жароҳатни янада оғирлаштириши ва мушак атрофиясига, сурункали оғриқ синдромига, сийдик чиқариш йўллари инфекциясига ва декубитал жараларга олиб келиши мумкин бўлган иккиламчи жараёнларнинг ривожланиш эҳтимоли мавжуд [107; 56–87-б., 155; 575–594-б.]. Нервлар ўсишини стимуляция қилиш ва ОМЖга жавобан юзага келадиган иммунологик, яллиғланишли ва чандиқланиш реакциялари мажмуасини шакллантириш жараёнларини замонавий тушуниш бир қатор фармакологик даволаш усулларининг ривожланишига олиб келди. Турли хужайра ва аддитив технологиялар билан уйғунликда бу усуллар тез орада ОМЖнинг аксарияти даволаниш мумкин бўлишига умид уйғотади [111; 113015-б., 47; 914-24-б., 153; 1848–1849-б.].

ОМЖни биомоделлаштиришнинг муҳим объектларидан бири каламуш ҳисобланади. Каламушдаги орқа миyanинг шикастланишлари ОМЖни экспериментал даволаш стратегиясини баҳолаш учун қўлланиладиган асосий модел сифатида қабул қилинган [80; 27–33-б., 47; 01324-б., 22; 4–10-б.].

Муайян тадқиқот вазифаларини ҳал қилиш учун оптимал ҳайвон моделини танлашда кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарур: ҳайвонларнинг тури, ёши, ўлчами, жинси, уларнинг ҳолатини визуализация қилиш ва функционал баҳолаш усулларини қўллаш имконияти. Ўтган асрнинг

иккинчи ярмидан бошлаб ОМЖ оқибатларининг олдини олиш усуллари турли ҳайвонларда, жумладан, каламушлар, сичқонлар, мушуклар, итлар, минипигларда систематик тадқиқот предметиға айланди [8; 92–100-б., 72; 181-б., 51; 7533-б., 69; 2337-б.].

Юқорида келтирилган таққослашлар шуни кўрсатадики, ОМЖни инсонға нисбатан моделлаштириш учун каламушлар ва сичқонларға нисбатан афзалроқдир. Каламушлар, шунингдек, микропозитрон-эмиссион томография (микроПЭТ), функционал магнит-резонанс томография (фМРТ) ва магнит-резонанс спектроскопия (МРС) каби ёндашувлардан фойдаланган ҳолда нафақат бош миёни, балки орқа миёни ҳам тадқиқ қилиш имконини берадиган даражада кучлидир [144; 129–39-б.].

Каламушларда ишлаб чиқилган ОМЖ моделларнинг катта сонидан клиник амалиётға яқин бўлган ёпиқ жароҳатлар моделлари энг кенг тарқалган: компрессион, сиқилишни имитация қилувчи ва контузион, лат ейишни имитация қилувчи [8; 328–339-б., 51; 7533-б.]. Тадқиқотларнинг аксариятида тажрибанинг ўртача давомийлиги тахминан 2 ойни ташкил этади. Моделнинг адекватлигини баҳолашнинг асосий мезони морфологик ўзгаришларни (аксонал регенерация, миелинизация, васкуляризация, глиал чандиқ зичлиги, яллиғланиш реакцияси) гистологик усуллар билан қайд этишдир (одатда шикастланиш зонасидаги ва унга ёндош, проксимал ва дистал томонлардаги кесмалар ўрганилади). Ёрдамчи мезон сифатида МРТ ёрдамида аппарат ташхиси усуллари ва электромиограмма орқали функционал баҳолаш қўлланилади. Клиник баҳолаш каламушнинг плексиглас ҳужайрасида очик майдонда ҳаракатланишида Бассо, Битти ва Бреснаханнинг рейтинг шкаласи (БББ-тест) бўйича, соматосенсор потенциалларни қайд этиш билан рақамли камералардан фойдаланган ҳолда [59; 294–301-б., 51; 7533-б.], "Динамик вазн юкламаси" (ДВН) тести [23; 4–10-б.], шунингдек, хулқ-атвор тестлари бўйича амалға оширилади.

Каламушларда ОМЖнинг кўпгина экспериментал моделларининг камчиликлариға таъсир даражасини назорат қилишнинг заифлиги,

шунингдек, орқа миянинг кулранг ва оқ моддасидаги чуқур деструктив ўзгаришлар киради, улар патологик силжишлар комплексини, нейронлар ва глиал хужайраларнинг нобуд бўлишини, нерв толаларининг дегенерациясини, демиелинизацияни, микроглия ва макрофагларнинг фаоллашувини ўз ичига олади [93; 1781-б.]. Бу барча бузилишлар барқарор функционал дефицитнинг юзага келишига олиб келади. Контузион, компрессион, тракцион, фотохимёвий, яллиғланишли, ишемик ва реперфузион шикастланиш моделлари асосан ОМЖ патофизиологиясини тадқиқ қилиш учун ишлатилади, чунки улар жароҳатни қўллаш ва ОМШ механизмини қайтаради [87; 425–438-б.]. Тақдим этилган моделлаштириш усуллари одамдаги ОМЖда клиник-морфологик силжишларни тўлиқ акс эттириши мумкин эди, бироқ бу моделларнинг аксариятини қайта ишлаб чиқиш қийин ва улардан структуравий шикастланишларда орқа миянинг регенерациясини ўрганиш учун фойдаланиб бўлмайди.

Исботланганидек, каламушда орқа миянинг функционал дефицити асосан оқ модданинг ўтказувчанлик йўллариининг етишмовчилиги билан боғлиқдир [141; 4-10-б.]. Шу сабабли, ОМЖнинг патофизиологик жараёнларини кўриб чиқишда периферик нерв тизими жароҳатида содир бўладиган жараёнлар билан аналогиялар ўринлидир. Периферик нервга нисбатан иннервацияни тиклаш қобилятининг шикастланиш даражасига боғлиқлиги ўтган асрнинг ўрталаридаёқ аниқланган ва миқдорий жиҳатдан тавсифланган (уч ва беш балли шкала кўринишида) [22; 4–10-б., 14; 2–12-б.]. Периферик нервларнинг енгил даражадаги (нейропраксия) шикастланишида аксонал регенерация тажрибада исботланган ва бундан ташқари, клиник амалиётда ҳам тасдиғини топмоқда. Сут эмизувчиларда хирургик техникалар ёрдамида ҳам, ўз-ўзидан ҳам эффектор участканинг иннервациясини тиклашнинг кўплаб мисоллари маълум.

Шундай қилиб, ОМЖдан кейинги полиорган дисфункция кўп омилли механизмларга боғлиқ ва тизимли яллиғланиш ва иммунодепрессия ОМЖ билан боғлиқ асоратларга қанчалик ҳисса қўшиши ҳали ҳам очик савол

бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, кўпроқ далиллар ОМЖ натижасида кўплаб аъзолар тизимларининг шикастланиши ёки дисфункциясида яллиғланиш ҳолатларининг иштирокини намоён этади.

§1.2. Турли давралардаги вазиятларда оғир мия травматик жароҳатланиши оқибатида юзага келадиган жигарнинг ўзига хос морфофункционал хусусиятлари

Жигарнинг оғир морфофункционал ўзгаришлари – прогрессив жигар етишмовчилиги ривожланишининг асосий сабаби бўлиб, бош мия жароҳатининг нохуш натижаси хавфини оширади [18; 24–26-б.].

Қатор муаллифларнинг маълумотларига кўра, бош мия жароҳати жигар паренхимасининг шикастланиши ва унинг фаолиятининг бузилиши билан кечади [26; 10–134-б., 21101–107-б.]. Аниқланишича, жароҳатдан кейинги биринчи соатлардаёқ гепатоцитларнинг майда ўчоқли некрозлари ва жигар микроциркуляциясининг ўзгаришлари кузатилади. Жигарда циркулятор ва деструктив-некробиотик жараёнларнинг ривожланиши гипопроотеинемия, транзитор ферментемия, қон зардобиди глюкоза ва билирубин миқдорининг ошиши билан намоён бўлади [123; 122–129-б., 38; 83-б.]. Бироқ, бош мия жароҳатида жигарнинг морфофункционал ўзгаришларини баҳолашда кўпинча бош мия шикастланиши даражаси ҳисобга олинмайди, жигар микроциркулятор ўзанининг ўзгаришлари эса тавсифий характерга эга.

Лихтерман Л.Б. ва бошқаларнинг (2019) маълумотларига кўра, оғир бош мия жароҳати жигар қон айланишининг артериаллашуви ҳисобига синусоидлардаги ҳажмли қон айланишининг кўпайиши билан кечади [20; 83–9-б.].

Оғир миянинг оғир шикастланишида синусоидал қон айланишининг адаптацион артериализацияси "узилиши" ва ички жигар портал гипертензиясининг ривожланиши мумкин. Микроциркуляциянинг оғир бузилишлари жигарда некробиотик жараёнларнинг фаоллашуви билан кечади ва бош мия жароҳатида жигар етишмовчилигининг ривожланиши

учун умумий патоморфологик асос бўлиб хизмат қилади, бу эса эълон қилинган маълумотларга мос келади [117; 79–83-б.]. Гипербилирубинемия ва жигар етишмовчилиги билан бирга келган оғир орқа мия жароҳатига эга бўлган беморларда ривожланган юлдузсимон ретикулоэндотелиоцитларнинг ўчоқли некрози, эндотелиоцитларнинг шишиши ва десквамацияси жигар қон томирлари эндотелийсининг шикастланишининг асосий мезони бўлиб хизмат қилади [74; 3036876-б., 84; 35–4-б.].

Жигар жароҳатларининг тарқалиши юқори даражада қолиб, ўсиш тенденциясига эга [132; 545–550-б.]. Бу аъзонинг шикастланиш морфологияси жуда хилма-хил бўлиб, мураккаб анатомия билан биргаликда, айниқса, жароҳат қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси, бош суяги, умуртқа поғонаси, ҳаракат-таянч тизимининг бошқа аъзоларининг шикастланишлари билан бирга келганда унинг ташхисини қийинлаштиради. Оператив аралашувларни ўтказишдаги қийинчиликлар ва юқори ўлим даражасини ҳам таъкидлаш керак [108; 68–72-б., 12; 29-б.]. Сўнгги пайтларда жигар жароҳатлари муаммоларига бўлган катта эътибор шикастланган аъзонинг ҳолатини ва травматик касалликнинг кечишини синчковлик билан кузатиш имконини берадиган нурли ташхиснинг объектив усуллари (УТТ, КТ) ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга ёрдам берди [39; 5–10-б.]. Шу билан бирга, ягона терминологиянинг йўқлиги ва жигарнинг турли хил шикастланишларида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни етарлича билмаслик жабрланувчиларни текшириш ва даволаш ҳажмини тўғри танлашда кўп қийинчиликлар туғдиради.

Демак, тажрибавий тадқиқотлар асосида жигар контузиясининг морфологик мезонлари таклиф этилди. Жигар контузиясининг эрта босқичида (тажрибанинг 1-куни): марказий веналар ва синусоидларнинг дилатацияси, улар деворининг руптураси, жигар паренхимасига қон қуйилиши, айрим жойларда гематома ҳосил бўлиши кўринишидаги яққол

дисциркулятор ўзгаришлар аниқланади; гепатоцитлар некробиози, ядро структураларининг кариорексиси ва кариопикнози кўринишидаги дистрофик, некробиотик ўзгаришлар ривожланади; қон томирлари ва паренхимада нейтрофил лейкоцитларнинг ҳозирлиги жигарнинг травматик шикастланиши мезони ҳисобланади.

Гематоксилин-эозин бўёғи жигар паренхимаси хужайраларининг умумий тузилишини, гепатоцитларнинг ядровий ва цитоплазматик структурасини, синусоид капиллярларнинг ҳолатини ҳамда яллиғланиш инфильтрациясини баҳолаш имконини беради. Бу бўёқ орқали хужайра ядроларининг пикноз, кариорексис ёки кариолиз белгиларини аниқлаш мумкин бўлади.

Ван Гизон усули боғловчи тўқима элементларини махсус равишда ажратиб кўрсатиш учун қўлланилди. Унинг ёрдамида фиброзланиш даражаси, строманинг ўсиши ёки склероз жараёнлари аниқланди. Бу жигардаги реставрацион ва деструктив ўзгаришлар миқёсини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Алциан кўк бўёғи жигар паренхимасидаги кислота табиатли мукополисахаридлар ва гликопротеидларни аниқлаш учун ишлатилди. Бу усул орқали гепатоцитлар ва синусоид атрофидаги гликозаминогликанлар йиғилиши ёки камайиши даражаси аниқланиб, жигардаги трофик ва метаболик ўзгаришлар ҳақида маълумот олинади.

Ушбу бўёш усуллариининг комплекс қўлланилиши жигарда орқа мия шикастланишидан кейин кечадиган морфофункционал ўзгаришларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ҳужайралар ва строма элементларининг нисбатини аниқлаш ҳамда патоморфологик динамикани баҳолаш имконини бери.

§2.3. Микропрепаратларни бўяшда иммуногистохимёвий усулдан фойдаланиш

Орқа мия шикастланишлари нафақат марказий асаб тизимида, балки ички аъзоларда ҳам, жумладан жигарда ҳам морфологик ва функционал ўзгаришларни келтириб чиқаради. Жигар паренхимасида кечадиган қайта тузилиш жараёнларини ишончли баҳолаш учун иммуногистохимик маркерлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шулардан Ki-67 ва Bcl-2 маркерлари асосий индикаторлар сифатида танланди.

Ki-67 ҳужайра пролиферациясининг универсал кўрсаткичи ҳисобланади. У ҳужайра ядросида циклнинг фаол босқичларида (G1, S, G2 ва митоз) ифодаланиб, ҳужайраларнинг митозга тайёргарлик ва кўпайиш жараёнларини намоён қилади. Шунинг учун Ki-67 экспрессияси жигар паренхимасида регенерация жараёнлари, яъни ҳужайраларнинг тикланиш фаоллигини баҳолаш имконини беради. Орқа мия шикастланишидан кейин жигарда регенератив фаоллик даражасини аниқлаш органнинг мослашув механизмларини очиб беришда катта аҳамиятга эга.

Bcl-2 эса хужайра ичида апоптоз жараёнларини тартибга солувчи асосий антиапоптотик оқсил ҳисобланади. У митохондриял мембрана барқарорлигини сақлаб туриш орқали апоптозни тўхтатади ва хужайраларнинг тирик қолишини таъминлайди. Жигарда Bcl-2 экспрессиясининг ошиши хужайраларнинг апоптоздан ҳимояланганлигини, уларнинг узок муддатли ҳаётлигини таъминлашга интилишини кўрсатади. Орқа мия шикастланишидан кейинги ҳолатларда Bcl-2 даражасини баҳолаш жигар тўқималарининг стресс ва ишемик ҳолатларга қандай мослашаётганини кўрсатади.

Шу тариқа, Ki-67 ва Bcl-2 маркерларининг биргаликда қўлланилиши жигарда кечаётган икки муҳим жараён - хужайравий пролиферация ва апоптозни комплекс равишда таҳлил қилиш имконини беради. Бу эса орқа мия шикастланишидан кейинги морфологик ўзгаришларни чуқурроқ англашга ва жигар тўқималарининг мослашув механизмларини илмий асосда тушунтиришга хизмат қилади.

ИГК бўяшни амалга ошириш учун қуйидаги асбоблар ва жиҳозлар ишлатилди:

- микротом;
- микроскоп, слайдлар ва қоппамалар;
- ранг бериш учун идишлар;
- регидратация учун ускуналар;
- материални иссиқлик билан ишлов бериш учун идиш;
- иссиқлик билан ишлов бериш учун ускуналар;
- пипетли диспенсерлар ва улар учун маслаҳатлар тўплами;
- махсус гидрофобик қалам;
- рН даражасини ўлчагич;
- термостат;
- дори-дармонларни сақлаш учун музлатгич.

ИГК бўяш учун олинган тўқима бўлакчалари 4-6 мкм қалинликда микротом ёрдамида кесиб олингандан кейин, буюм ойнасига қўйилди ва

ёпинғич ойна билан ёпилди. Олинган тўқималар авидин-биотин иммунопероксидаза усули ёрдамида кесмаларни сувсизлантириш ва парафинсизлантириш усулини қўллаган ҳолда амалга оширилди. Эндоген пероксидазани блоклаш учун препарат 3% ли перикис водород эритмасига 10 минут давомида солиб қўйилди. Препаратни ювиш учун трис-NaCl-буфер рН 7,6 ли эритмаси билан ювилгач, экспрессияни аниқлаш учун керакли маркер билан бўяш усули амалга оширилди ва ДАБ+ хромоген усулида бўялди. Бўялган препаратлар микроскоп ёрдамида текширилди (2.3.1-жадвал).

2.3.1-Жадвал

ИГК текширувини ўтказиш босқичлари

№	ИГК босқичлари	Реактивлар	Вақти
1	Кесмаларни 4 мкм калинликда тайёрлаш	Полилизинланган ойначалар	
2	Кесмаларни қуритиш	Хона ҳароратида 24 соат	
3	Термостатда қуритиш	Т-55-60с 60 дақиқа	
4	Депарафинлаш	Орто-Ксилол	10'дан 3 маротаба
5	Дегидратациялаш	Спирт 96%	3'дан 3 маротаба
6	Регидратациялаш	Дистилланган сув	10 дақиқа
7	Демаскировкалаш	Демаскирловчи буфер	Ҳарорати 98°C бўлган сувда 30-40'
8	Ювиш	Эритма трис-буфер (рН=7,5).	5'
9	Эндоген пероксидазани блоклаш	Водород перекиси 3%	5'
10	Ювиш	Дистилланган сув	3'
11	Бирламчи (асосий) антитаначаларнинг аниқланиши ва инкубацияси	Специфик антитаначалар	20-30'
12	Ювиш	трис-буфер эритмаси (рН=7,5).	5'
13	Бирламчи (асосий) антитаначаларнинг аниқланиши ва инкубацияси	Визуал тизим	20-30'
14	Ювиш	трис-буфер эритмаси (рН=7,5).	5'
15	Диаминбензидин билан аниқлаш	ДАБ-хромоген	5'
16	Ювиш	Дистилланган сув	3'
17	Бўяш	Майер гематоксилини	5'дан

18	Ювиш	Оқава сув	1'
19	Дегидратациялаш	Спирт 96%	5'дан 2 мартаба
20	Деспиртизациялаш	Орто-ксилул	5'дан 2 мартаба
21		Хулоса	Балзам, қоплагич ойна

ИГК натижаларини баҳолаш учун QuPhat 4.4.0 дастури ёрдамида морфометрик текширишлар 5 та кўрув майдонида 200-400 марта катталаштирилган ҳолда бажарилди. Ажратиб олинган майдондаги позитив экспрессияланган хужайралар умумий майдондаги жаъми хужайраларга нисбатан фоизларда ҳисоблаб чиқилди. Экспрессияланиш даражаси 20% бўлганда (паст даражадаги эксперессия), 20-60% бўлганда (ўрта даражадаги эксперессия) ва 60% дан юқори бўлганда (юқори даражадаги) экспрессия деб баҳоланди.

§2.4. Тадқиқотда жигарнинг функционал хусусиятларини ўрганиш

Қон биокимёвий параметрлари: аспартат аминотрансфераза (АСТ), аланин аминотрансфераза (АЛТ), лактатдегидрогеназа (ЛДГ), мочевино, билирубин MINDRAY BC – 30 (Хитой) автоматик биокимёвий анализатори ёрдамида ўлчанди.

Интакт каламушларнинг ушбу кўрсаткичларнинг мос қийматлари 2.4.1-жадвалда келтирилган.

2.4.1-жадвал

Интакт каламушларнинг қонидаги жигар биокимёвий кўрсаткичларининг мос қийматлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Қиймати
Билирубин (мкмоль/л)	$0,9 \pm 0,1^*$
АЛТ (Б/л)	$66,3 \pm 2,6^*$
АСТ (Б/л)	$180,5 \pm 8,9^{**}$
ЛДГ (Б/л)	$399,9 \pm 7,2^*$
Умумий оксил (г/л)	$67,2 \pm 1,1^*$
Альбумин (г/л)	$30,0 \pm 0,8^{**}$
Мочевина (ммоль/л)	$8,2 \pm 0,3^{***}$

*Эслатма: * $-p>0,05$; ** $-p<0,05$; *** $-p<0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги каламушларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги*

§2.5. “Fitoliver” (Қушқўнмас+маккаи сано) БФҚ фармакологик хусусиятлари

“Fitoliver” БФҚ Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг 2025-йил 14-мартдаги 01-28/2773-сонли хатига асосан рўйхатга олинган (яроқлик муддати 17.03.2030-й.)

“Фитоливер” биологик фаол қўшимчасининг 50 граммли бир пакетчаси таркибига қуйидаги компонентлар киради: 40 грамм қушқўнмас уруғи ва 10 грамм маккаи сано.

Бу таркибий қисмлар жигар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, детоксикация жараёнларини рағбатлантириш ва антиоксидант таъсир кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга.

Қушқўнмас экстракти атеросклеротик, иммуностимуляцион, нурланишга қарши ва умумий мустаҳкамловчи таъсирга эга. Силимарин хужайралар ва хужайра мембраналарининг липид қатламининг йўқ қилинишини олдини олади, липид гидропероксидларининг ортиқча тўпланишини олдини олади, жигар хужайраларининг шикастланиш даражасини пасайтиради. Бундан ташқари, гепатоцитларнинг хужайра мембранаси нормаллашади, турли токсик моддаларни қабул қилиш секинлашади. Метаболизм ҳам фаоллашади, бу жигарнинг оксил-синтетик ва липотроп функцияларини яхшилайди. Сано барглари таркибида антрацен унумлари (А ва В сеннозидлар, реин, алоэ-эмодин)дан ташқари, флавоноидлар (изорамнетин, кемперол ва уларнинг гликозидлари) ҳамда салицилат ва бошқа органик кислоталар, смолалар ҳамда жуда оз миқдорда алкалоидлар бор.

Сано барглари сурги дори тайёрловчи хом-ашё сифатида қўлланилади. Барглар таркибидаги овқатни ҳазм қилувчи моддалар ошқозон шиллиқ пардаси рецепторларини қўзғатиш хусусиятига эга. Бунда улар безларнинг шира чиқаришини активлаштирмайди, аммо ҳаракатлантирувчи фаолиятни

кучайтиради. Буларнинг барчаси, айниқса, йўгон ичакда акс этади. Санодан тайёрланган дамлама ичаклар фаолиятини яхшилаб, қабзиятдан халос бўлишга ёрдам беради. Ошқозон-ичак шиллиқ пардасидаги рецепторларни қўзғатиб, безлардан шира ажралиб чиқишини камайтиради. Бу еса ортиқча вазн тўпланишига тўсқинлик қилади. Организмдаги ёғларни еритади. Геморройга олиб келадиган ич қотиши, йўгон ичак яраларини тузатишда қўлланади. Сафро ҳайдовчи хусусиятга ҳам эга. Қонни турли микроблардан тозалайди. Жигар ва ўт пуфаги фаолиятини яхшилайди.

Қушқўнмас ва маккаи санони биргаликда қўллаш орқали уларнинг таъсири ўзаро тўлдирувчи ва синергик характерга эга бўлади. Қушқўнмас асосан антиоксидант ва иммуномодулятор таъсир кўрсатса, маккаи сано диуретик ва гепатопротектор хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунингдек, иккиси биргаликда қўлланилганда жигардаги оксидланиш стрессини камайтиради, паренхиманинг қайта тикланиш жараёнларини кучайтиради ва тўқималардаги яллиғланиш реакцияларини пасайтиради.

§2.6. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили

Тадқиқот давомида олинган морфологик маълумотларни математик қайта ишлаш тўғридан – тўғри Microsoft office маълумотлар пакетининг умумий матрицасидан "Ексел 7.0" Pentium-IV шахсий компютерида "СТТГРАФ 5.1" дастурининг имкониятларидан фойдаланиб, стандарт оғиш ва вакиллик хатолари аниқланди.

Вариацион параметрик статистика усуллари ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўрта арифметик (M), ўртача квадратик четланиш (m), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий қийматлар (частота, %) ни ҳисоблаш билан қўлланилди.

Тадқиқот давомида олинган статистик натижаларнинг морфологик маълумотларига таяниб математик томондан тўғридан-тўғри аниқлаш учун "STTGRAPH5.1" дастуридан фойдаланган ҳолда, Microsoft Office дастурий таъминот тўплами "Ексел 7.0" нинг умумий матрицасида амалга оширилди.


Вариацион параметрик статистика усулларида фойдаланиб, рақамли маълумотларнинг вариацион қаторлари тузилди. Бунда ўртача арифметик оғиш кўрсаткичи ҳисобланиб, арифметик ўртача қиймат (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача қийматнинг стандарт хатоси (m), нисбий қийматлар (частота%) ҳисоблаб чиқилди. Таққосланган қийматлардаги фарқларнинг аҳамиятини баҳолаш Стюдент t -мезони ёрдамида ўтказилди. Фарқ 5% хатолик эҳтимоли билан аҳамиятли деб ҳисобланди ($p < 0.05$).

Муҳимликнинг тўртта асосий даражаси статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди: юқори - $p < 0.001$, ўрта $p < 0.010$, паст – $p < 0.05$, аҳамиятсиз (ишончсиз) - $p > 0.05$.

III БОБ. НАЗОРАТ ГУРУҲИДАГИ ВА ОРҚА МИЯ ТРАВМАТИК ЖАРОҲАТЛАНИШИДАГИ ЖИГАРНИНГ МОРФОМЕТРИК НАТИЖАЛАРИ

§3.1. Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфометрик параметрлари

Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг жигаридаги морфометрик кўрсаткичлари ўрганилди. Орган ноаниқ чегараларга эга бўлган бўлақлардан ташкил топган. Жигар бўлақлараро бириктирувчи тўқимаси назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларда суст ривожланган. Бўлақлар паренхимаси марказий вена атрофида радиал жойлашган гепатоцитлардан ташкил топган бўлиб, назорат гуруҳида марказий вена деворининг қалинлиги $18,15 \pm 3,55$ ($14,3-21,7$) мкм ни ташкил этади (3.1.1-расм).




**3.1.1-расм. Соғлом оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик
кўриниши. Альциан кўки билан бўялган. 20x10 катталаштирилган.
1- марказий вена (Гепатоцит пластинкалари марказий венадан (МВ)
портал венагача ажралиб туради. МВ портал венадан келадиган қонни
синусоидлар орқали чиқаради).**

Марказий вена атрофидаги гепатоцитлар кўпбурчак шаклга эга, цитоплазмаси грануляр бўлиб, назорат гуруҳида битта, камдан-кам ҳолларда

иккита ядрога эга булиб, 1855463 px^2 майдонда – 5 та икки ядроли гепатоцит саналди.

Жигар бўлаклари ичидаги синусоид капиллярлар юпқа деворли бўлиб, эндотелий билан қопланган, уларнинг диаметри назоратда ўртача $7,41 \pm 0,39$ мкм ($7,02-7,8$ мкм) га тенг эканлиги аниқланди. Шунингдек, Купфер хужайралари жигар паренхимасида изчил тарқалган бўлиб, 1935443 px^2 майдонда 34 та хужайра қайд этилди (3.1.2-расм).



3.1.2-расм. Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Ван-Гизон билан бўялган. 20x40 катталаштирилган. Қизил билан белгиланган Купфер хужайралари (34 та - 1935443 px^2 майдонда)

Ушбу маълумотлар таҳлил қилинганидан сўнг каламушларга ОМТЖ берилиб, жигар тўқималаридаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар даврларга кўра ўрганилди.


ОМТЖнинг клиник-нейрохирургик классификацияси:

1. ўткирроқ давр (биринчи 8 соат)
2. ўткир давр (8 соатдан 3 кунгача)
3. эрта давр (3 кундан 4 ҳафтагача)
4. ўрта давр (1–3 ой)
5. сурункали давр (3 ойдан кейин).

Илмий-методик нуктаи назардан жигардаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар энг яққол тарзда ўткир ва эрта даврларда намоён бўлиши маълум. Шунингдек, ушбу даврларда жараёнларнинг динамикасини баҳолаш имконияти юқори бўлиб, патологик ўзгаришларнинг асосий йўналишлари аниқланади. Шу сабабли диссертация доирасида таҳлил асосан ана шу икки давр билан чекланди.

§3.2. Орқа мия травматик жароҳатланишининг ўткир даврида лаборатория ҳайвонлар жигарининг морфометрик параметрларининг ўзгаришлари

Жигар бўлаклараро бириктирувчи тўқимаси тажрибанинг ўткир даврида (8 соатдан 3 суткагача) қалинлигининг ошиши кузатилди ва бўлакларнинг шакли марказий вена ва портал йўллар жойлашуви бўйича аниқланди. Бўлаклар паренхимаси марказий вена атрофида радикал жойлашган гепатоцитлардан ташкил топган бўлиб, марказий вена деворининг қалинлиги жароҳатланишнинг ўткир даврида $19,95 \pm 3,45$ (16,5-23,4) мкм гача ошганлиги аниқланди (3.2.1-расм).




3.2.1-расм. ОМТЖ нинг ўткир даврида 1-кунидаги оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Гематоксилин-эозин билан бўялган. 20x10 катталаштирилган. 1 - марказий вена ичи тўлақонлиги; 2 - портал триада таркибидаги портал венанинг тўлақонлиги.

(3.2.1-расм таснифи: 1. Марказий вена: Марказий венада сезиларли даражада қон тўпланиши кузатилмоқда, бу эса веноз қон оқимининг бузилиши ва дарвоза вена тизимида босимнинг ошишини кўрсатади.


2. Портал триада: Портал триадада ҳам портал венанинг қон билан тўлишиши кузатилмоқда, бу эса қон оқимини фаоллаштириш ва портал гипертензиянинг ривожланишини кўрсатади. Ушбу ўзгаришлар жигарни травматик таъсир натижасида ўткир яллиғланиш жараёнининг типик белгиларидир ва органнинг функционал ҳолатининг бузилганлигини кўрсатмоқда).

Назорат гуруҳида гепатоцитларнинг диаметри $13,53 \pm 0,35$ (13,18-13,88) мкм ни, жароҳатланишнинг ўткир даврида эса уларнинг диаметри $15,41 \pm 0,27$ (15,14-15,68) гача ошганлиги аниқланди. Ядролар хужайра марказида жойлашган бўлиб, назорат гуруҳида ядроларнинг диаметри $7,37 \pm 0,29$ (7,08-7,66) мкм ни, жароҳатланишнинг ўткир даврида эса $10,01 \pm 0,18$ (9,83-10,19) мкм ни ташкил қилиши аниқланди. Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар жигарининг гепатоцитларида ядро/цитоплазматик нисбат $0,544 \pm 0,026$ (0,518-0,570) ни ташкил қилган бўлса, жароҳатланишнинг ўткир даврида гепатоцит ядроларининг катталаниши кузатилганлиги сабабли ядро/цитоплазма нисбати $0,649 \pm 0,016$ (0,633-0,665) тенг бўлди (3.2.2-расм).



3.2.2-расм. ОМТЖнинг ўткир даврида 1-кунидаги оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Ван-гизон билан бўялган. 20x40 катталаштирилган. 1 - диапедезли қон қуйилиши; 2 - гепатоцитлар ҳажмининг катталаниши; 3 - гепатоцитлар таркибидаги ядронинг ҳажм жиҳатдан катталаниши; 4 - икки ядроли гепатоцитлар сонининг ошиши (12 та-1855463 рх² майдонда)

3.2.3-расмда жигар тўқимасида ОМТЖнинг ўткир давридаги ўткир яллиғланиш кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар билан таққослаган ҳолда таҳлил қилинган. Назорат гуруҳи билан таққослаганда, экспериментал ОМТЖнинг ўткир давр давомида Купфер хужайралари ва лейкоцитлар миқдори сезиларли даражада ошган. Бу жигардаги яллиғланиш жараёнининг фаол кучайганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, икки ядроли гепатоцитлар миқдори ҳам ўсишга эга бўлган, бу эса, жигар тўқимасидаги регенерация жараёнининг ҳам кечаётганлигидан далолат беради.




3.2.3-расм. Жигар тўқимаси ўткир яллиғланиш кўрсаткичлари

Демак, экспериментал орқа мия травматик жароҳатланишининг ўткир даври жигар тўқимасида сезиларли реакцияни келтириб чиқаради, бу эса иммун жавобнинг фаоллашуви ва регенерация механизмларининг ишга тушиши билан боғлиқ.

Экспериментал ОМТЖдан кейин жигардаги яллиғланиш жараёнлари кучайгани кузатилди. Хусусан, макрофаглар (резидент Купфер хужайралари) ва лейкоцитлар сони 1857663 px^2 майдонда 91 тагача ошганлиги қайд этилди (назорат гуруҳида шу майдонда лейкоцитлар сони ўртача 45 тани ташкил этган). Лейкоцитлар таркибида эозинофиллар улуши сезиларли равишда

кўтарилиб, 22,2% гача етди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 0–2% атрофида сақланди (3.2.4-расм).




3.2.4-расм. А;Б. ОМТЖнинг ўткир давридаги оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20x20 катталаштирилган.

А - 1857663 рх² майдонда – умумий лейкоцитлар ичидан 22 та эозинофил аниқланди (22,2%)↑

Б - 1857663 рх² майдонда лейкоцитларнинг умумий сони – 91 та

Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар жигарида бўлақлар ичидаги синусоид капиллярлар юпка деворли бўлиб, эндотелий билан қопланганлиги аниқланди. Уларнинг диаметри ўртача $7,41 \pm 0,39$ мкм (7,02–7,8 мкм) ни ташкил этди. Жароҳатланишнинг ўткир даврида эса синусоид капиллярларининг диаметри ошиб, $8,53 \pm 0,41$ мкм (8,12–8,97 мкм) га етди.

Бундан ташқари назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларнинг жигар паренхимасида жойлашган Купфер хужайралари сони 1935443 рх² майдонда 34 тани ташкил қилган бўлса, жароҳатланишнинг ўткир даврида уларнинг сони -1935443 рх² майдонда 83 тагача ошганлиги ва уларнинг асосан томир деворлари атрофида тўпланиши аниқланди (3.2.5-расм).



3.2.5-расм. ОМТЖнинг ўткир даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20х40 катталаштирилган. 1-марказий вена ичи тўлақонлиги; 2-централ венуланинг тўлақонлиги; 3- синусоид капилляр; 4-Купфер хужайралари (83 та -1935443 рх² майдонда) кўпайган.

Жигар портал йўллари триадалардан иборат: артериола, венула ва ўт йўллари. Назорат гуруҳида артериолалар яхши ривожланган интима, ички эластик мембрана ва ўрта қаватда бир нечта силлиқ мушак хужайраларига эга. Веналарнинг бўшлиғи кенг, улар битта эндотелий қавати билан чегараланган, деворлари силлиқ мушак хужайраларидан маҳрум. Бўлаклараро ўт йўллари портал йўлларнинг марказида жойлашган бўлиб, деворлари кубсимон эпителиал хужайралар билан қопланган. Портал йўлларнинг стромаси кам сонли макрофаглар, лимфоцитлар ва полиморф ядроли лейкоцитларни ўз ичига оладиган бўлса, жароҳатланишнинг ўткир даврида макрофаглар ва лейкоцит хужайралар сонининг ошиши қайд этилди.

Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламуш жигарининг вазини ўлчаганимизда: 9,7-11 (10,3) г гача (180 г оғирликдаги каламушларда) эканлигини аниқладик. Бу ҳайвон оғирлигининг 4-6% ни ташкил қилади.

Тажриба гуруҳидаги оқ зотсиз каламушларда эса жигарнинг умумий массасига нисбатан вазифий кўрсаткич (жигар массаси/тананинг умумий массаси) тажрибанинг 48 соатида $15,3\%$ га ошгани (ўртача $11,8$ г) аниқланди.

Юқоридаги маълумотларни инобатга олган ҳолда хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, тажрибавий равишда чақиртирилган ОМТЖдан кейин каламушларнинг жигарида бир қатор морфометрик ўзгаришлар кузатилди:

Марказий вена деворининг қалинлиги назорат гуруҳида $18,15 \pm 3,55$ мкм бўлса, жароҳатланишнинг ўткир даврида $19,95 \pm 3,45$ мкм гача ошган. Икки ядроли гепатоцитлар сони 1855463 px^2 майдонда назорат гуруҳида 5 та бўлса, жароҳатланган каламушларда 12 та гача ошган. Гепатоцитларнинг диаметри назорат гуруҳида $13,53 \pm 0,35$ мкм, жароҳатланишнинг ўткир даврида $15,41 \pm 0,27$ мкм гача ошган. Ядролар диаметри назорат гуруҳида $7,37 \pm 0,29$ мкм, тажриба гуруҳида $10,01 \pm 0,18$ мкм гача катталашган. Ядро/цитоплазматик нисбат назорат гуруҳида $0,544 \pm 0,026$, тажриба гуруҳида $0,649 \pm 0,016$ гача ошган. Купфер ҳужайралари сони 1935443 px^2 майдонда назорат гуруҳида 32-34 та бўлса, тажриба гуруҳида 83 та гача ошган. Лейкоцитлар сони 1857663 px^2 майдонда назоратда 45 та, жароҳатланган каламушларда 91 та, эозинофиллар улуши $22,2\%$ гача ошган. Синусоид капиллярлар диаметри назоратда $7,41 \pm 0,39$ мкм, тажриба гуруҳида $8,53 \pm 0,41$ мкм гача ошган. Жигар массаси 180 г оғирликдаги каламушларда назоратда $10,3$ г ($4\text{-}6\%$ умумий массага нисбатан), тажриба гуруҳида 48 соатда $11,8$ г ($15,3\%$ га ошиш), 14-куни $9,4$ г ($8,9\%$ га камайиш) ташкил қилган. Ушбу натижалар ОМТЖдан кейин жигар тўқимасида морфометрик ўзгаришлар юз бераётганини, яллиғланиш ва компенсатор жараёнлар фаоллашганини кўрсатади.

3.2.1-жадвал


**Назоратда ва ОМТЖнинг ўткир даврида оқ зотсиз каламушлар
жигарининг морфометрик параметрларининг ўзгаришлари жадвали,
($M \pm \sigma$)**

№	Кўрсаткич	Назорат гурухи	Травматик жароҳатнинг ўткир даври
1.	Марказий вена диаметри (мкм)	18,15±3,55	19,95±3,45*
2.	Синусоид капилляр диаметри (мкм)	7,41±0,39	8,53±0,41*
3.	Гепатоцит диаметри (мкм)	13,53±0,35	15,41±0,27*
4.	Гепатоцит ядросининг диаметри (мкм)	7,37±0,29	10,01±0,18**
5.	Ядро/цитоплазматик нисбат	0,544±0,026	0,649±0,016*
6.	Икки ядроли гепатоцитлар сони (дона)	5	12**
7.	Купфер хужайралари сони (дона)	34	83***
8.	Лейкоцитлар сони (дона)	45	91***

*Эслатма: * $-p>0,05$; ** $-p<0,05$; *** $-p<0,001$; назорат гурухи билан солиштирилаётган гурухдаги каламушларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги*


§3.3. Орқа мия травматик жароҳатланишининг эрта даврида жигар тўқимасида юзага келадиган морфометрик ўзгаришлари

ОМТЖдан кейин эрта давр давомида каламушларнинг жигарида бир қатор патологик ўзгаришлар кузатилди. Ушбу босқичнинг асосий хусусияти фагоцитар жавобнинг кучайиши, яллиғланишнинг чўзилиши ва фиброз жараёнларининг ривожланиши бўлди (3.3.1-расм).




3.3.1-расм. ОМТЖнинг 7-кундаги эрта даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20x100 катталаштирилган. 1- гепатоцит ядролари хажмининг катталашishi; 2- бўлинаётган гепатоцитлар (регенератор функциянинг активлашиши хақида дарак беради)

Фиброз жараёни: Жигар паренхимасида фибробластлар фаоллиги ошди, бўлакчаларо бириктирувчи тўқима қалинлашди, бу эса ҳосил бўлаётган фиброзга далил бўлди. Бундан ташқари марказий вена деворининг қалинлиги ҳам фиброزلаниш ва яллиғланиш туфайли ошганлиги кузатилди: назорат гуруҳида $18,15 \pm 3,55$ мкм бўлса, эрта даврда $22,40 \pm 2,61$ мкм гача ошди (3.3.2-расм).




3.3.2-расм. А. ОМТЖнинг 14-кундаги эрта даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Альциан кўки билан бўялган. 10x20 катталаштирилган. 1857663 px² майдонда лейкоцитларнинг умумий сони - 62 та




3.3.2-расм. Б. ОМТЖнинг 14-кундаги эрта даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20x100 катталаштирилган. 1935443 px² майдонда Купфер хужайралари умумий сони - 83 та

Гепатоцитлар вакуолизацияси ва уларнинг нобуд булиши давом этди ва уларда моддалар алмашинувининг бузилиши туфайли икки ядроли гепатоцитлар сони жароҳатланишнинг ўткир давридаги каби юқори бўлмасада, нормадан юқори кўрсаткичдалиги аниқланди (3.3.3-расм).




3.3.3-расм. ОМТЖнинг 21-кундаги эрта даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20х40 катталаштирилган. Оралик тўқима кенгайиши туфайли ҳосил бўлиши



3.3.3-расм. А. ОМТЖнинг 21-кундаги эрта даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20х100 катталаштирилган. 1- ядроча; 2-гепатоцит ядроларининг хроматини суғ бўялган

Икки ядроли гепатоцитлар сони: 1855463 px^2 майдонда жароҳатланишнинг 28-кунида 8 та, бу регенерация жараёни суғ кечаётганини кўрсатади (3.3.4-расм).

Гепатоцитлар диаметрида ҳам ўзгариш кузатилиб, уларнинг диаметри назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламушлар гепатоцитларидан юқори, аммо жароҳатланишнинг ўткир давридаги оқ зотсиз каламушлар гепатоцитлари диаметридан камроқ эканлиги аниқланди, назоратда $13,53 \pm 0,35 \text{ мкм}$, жароҳатланишнинг эрта даврида $14,01 \pm 0,29 \text{ мкм}$, бу ҳужайралардаги дистрофик жараёнлар сабабли катталашувнинг пасайганини кўрсатади.




3.3.4-расм. ОМТЖнинг 28-кундаги эрта даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20х20 катталаштирилган. 1- гепатоцит ядролари ҳажмининг катталашиши; 2-томир ичи тўлақонлиги.

ОМТЖнинг эрта даврида оқ зотсиз каламушларнинг жигари тана умумий массасига нисбатан вазифий кўрсаткич (жигар массаси/тананинг умумий массаси)тажрибанинг 28-кунида 8,9% камайганлиги (ўртача 9,4 г) аниқланди. Бу компенсатор жараёнлар бошланганидан далолат беради.

3.3.5-расмда жигар тўқимасидаги ўткир яллиғланиш белгилари ҳамда уларнинг динамикаси экспериментал орқа мия травматик жароҳатланишидан кейинги ўткир ва илк даврларда таққослаб берилган.

Ўткир давр - Купфер хужайралари ва лейкоцитлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу жигардаги кучли яллиғланиш ва иммун тизимининг фаол жавобини кўрсатади. Икки ядроли гепатоцитлар миқдори сезиларли ўзгармаган, бу эса ушбу босқичда регенерация жараёни ҳали фаол эмаслигини билдиради.



3.3.5-расм. Жигар тўқимаси ўткир яллиғланиш кўрсаткичлари

Эрта давр - Купфер хужайралари миқдори бироз пасайган, лекин улар ҳали ҳам юқори даражада сақланиб турибди. Лейкоцитлар сони камайган, бу эса яллиғланиш жараёни пасайишини кўрсатади. Икки ядроли гепатоцитлар миқдори деярли ўзгармаган, яъни регенерация жараёни ҳали ҳам суст кечаётганлигидан дарак беради.

Эрта даврда жигарда яллиғланиш пасайиш тенденциясига эга бўлса ҳам, фиброз жараёнлари ва дистрофик ўзгаришлар сақланганлиги аниқланди. Бизнинг ишимизда жигарда Купфер хужайралари ва макрофаглар сони юқори даражада қолгани фагоцитар жавоб реакцияси давом этаётганини, лекин тикланиш ёки пролиферация жараёни ҳали суст кечаётганини кўрсатди. Эрта даврда гепатоцитларнинг катталашуви секинлашган, аммо ядро/цитоплазматик мутаносиблиги сақланиб қолган, бу эса хужайралар функциясининг тўлиқ тикланмаганидан дарак беради. Жигар паренхимасида фиброзланиш ва микроциркуляция бузилишлари кучайган бўлиб, бу жараён жигарнинг узоқ муддатли патологик ўзгаришларга учраганлик эҳтимолини оширади.

3.3.1-жадвал


**Назоратда ва ОМТЖнинг ўткир ҳамда эрта даврида оқ зотсиз
каламушлар жигарининг морфометрик параметрларининг ўзгаришлари
жадвали, ($M \pm \sigma$)**

Кўрсаткич	Назорат гурухи	Травматик жароҳатнинг ўткир даври	Травматик жароҳатнинг эрта даври
Марказий вена диаметри (мкм)	18,15±3,55	19,95±3,45	22,40±2,61*
Синусоид капиллярлар диаметри (мкм)	7,41±0,39	8,53±0,41	7,91±0,36*
Гепатоцит диаметри (мкм)	13,53±0,35	15,41±0,27	14,01±0,29*
Гепатоцит ядросининг диаметри (мкм)	7,37±0,29	10,01±0,18	9,97±0,21**
Ядро/цитоплазматик нисбат	0,544±0,026	0,649±0,016	0,737±0,015*
Икки ядроли гепатоцитлар сони (дона)	5	112	8**
Купфер хужайралари сони (дона)	34	83	79***
Лейкоцитлар сони (дона)	45	91	62***

*Эслатма: * $-p > 0,05$; ** $-p < 0,05$; *** $-p < 0,001$; назорат гурухи билан солиштирилаётган гурухдаги каламушларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги*


§3.4. Орқа мия травматик жароҳатланишидан кейин жигар тўқимасида юзага келадиган гистокимёвий (Альциан кўки) ўзгаришлари натижалари

Назорат гуруҳида жигар тўқимаси микроскопиясида марказий вена деворлари бир меъёрда, атрофида тўқимага хос ўзгаришларсиз ҳолда кузатилди. Гепатоцитлар кўпбурчак шаклда бўлиб, уларнинг ўртача диаметри $12,4 \pm 0,6$ мкм атрофида. Лейкоцитлар миқдори 1855463 px^2 майдонда ўртача 45 та дан ошмайди (3.4.1-расм).



3.4.1 -расм. Назорат гуруҳидаги оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Альциан кўки билан бўялган. 20x20 катталаштирилган. 1857663 px^2 майдонда лейкоцитларнинг умумий сони - 45 та. 1 - марказий вена; 2 - гепатоцит; 3 - лейкоцит.


Гепатоцитларнинг цитоплазмасида гликоген мавжуд бўлиб, у нордон гликозаминогликанлар гуруҳига кирганлиги туфайли альциан кўкида яхши бўялади ва жароҳатланишнинг ўткир даврида гепатоцитларнинг нобуд бўлиши бошланиб, улар таркибидаги гликогеннинг сизиб чиқганлиги туфайли, паренхиманинг бу қисми суст интенсивликда бўялганлиги аниқланди (3.4.2-расм).



3.4.2-расм. ОМТЖнинг ўткир даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Альциан кўки билан бўялган. 20x10 катталаштирилган. Сарик билан ажратиб олинган жигар тўқимасига этиборингизни қаратинг, жигар паренхимасинг бошқа қисмларидан фарқли бу қисмда, гепатоцитларнинг нобуд бўлиши бошланиб, улар таркибидаги гликогеннинг сизиб чиқганлиги туфайли, паренхиманинг бу қисми суст интенсивликда бўялган.

Гликоген нордон гликозаминогликанлар гуруҳига кирганлиги туфайли альциан кўкида яхши бўялади.


Ушбу ўзгаришлар тажрибанинг турли вақтларида фарқ қилди: травматик жароҳатланишдан 48 соат ўтгач, макроскопик жигарнинг ҳажми ортиши (гепатомегалия) ва майда қон қуйилишлари кузатилди. Травматик жароҳатланишнинг 7-кунидан кейин жигар тўқимасининг қаттиқлашиши, сарғиш-қўнғир рангдаги ҳудудлар пайдо бўлиши қайд этилди, бу моддалар алмашинувининг бузилиши туфайли содир бўладиган ўзгаришлар ва ўчоқли (некроз) тўқима ва хужайралар (гепатоцитлар) нобуд бўлиши билан боғлиқ (3.4.3-3.4.4-расм).



3.4.3-расм. ОМТЖнинг эрта даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Альциан кўки билан бўялган.

20x40 катталаштирилган. Сарик билан ажратиб олинган жигар тўқимасига этиборингизни қаратинг, жигар паренхимасинг бошқа қисмларидан фарқли бу қисмда, гепатоцитларнинг нобуд бўлиши бошланиб, улар таркибидаги гликогеннинг сизиб чиққан.


Паренхиманинг бу қисми суст интенсивликда бўялган.



3.4.4-расм. ОМТЖнинг ўткир даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Альциан кўки билан бўялган.

20x40 катталаштирилган. 1- томирлар ичи тўлақонлиги; 2-гепатоцитлар нобуд бўлишни бошлаган; 3-цитоплазмаси бўш гликогенлар, улар таркибидаги гликоген ва нордон гликозаминогликан сақловчи органеллаларнинг парчаланганлигидан дарак беради

Травматик жароҳатланишнинг 14-кунида жигарда яллиғланиш бошланиб, Купфер хужайралар сонининг ошиши кузатилди, бундан ташқари жигар марказий веналар ва портал трактларни ҳосил қилувчи томир деворларининг қалинлашуви, улар атрофида лейкоцит хужайралар тўпланиши ва уларда тўлақонлик кузатилди (3.4.5-расм).



3.4.5-расм. ОМТЖнинг ўткир даврида оқ зотсиз каламуш жигарининг микроскопик кўриниши. Альциан кўки билан бўялган. 20x20 катталаштирилган. 1- томир деворлари атрофининг бириктирувчи тўқима қалинлашуви

Таҷрибавий шароитда чақиртирилган ОМТЖдан кейин оқ зотсиз каламушларнинг жигарида бир қатор морфологик ўзгаришлар кузатилганини тасдиқлаш мақсадида биз ишимизда гистокимёвий текшириш усулларида бири Альциан кўки бўёғи билан бўяшни амалга ошириб, жигарда яллиғланиш реакцияси юзага келганлигини, яллиғланиш жараёнида ҳосил бўлган мукополисахаридлар (гликозамингликанлар) миқдорини ошганлигини кузатдик.

Ушбу тадқиқот доирасида ОМТЖдан кейин оқ зотсиз каламушлар жигар тўқимасида юзага келадиган морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлар ўрганилди. ОМТЖдан кейин жигардаги ўзгаришлар жараённинг давомийлигига боғлиқ ҳолда турлича намоён бўлди ва ушбу ўзгаришларнинг ўткир, эрта даврлари, коррекция ва морфометрия маълумотлари таъсиридан кейинги ҳолати баҳоланди.

Ўткир даврдаги морфометрик ўзгаришлар:

Яллиғланиш ва ишемик стресс натижасида морфометрик кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар кузатилди:

Марказий веналар диаметри: $18,15 \pm 3,55$ мкм (назорат гуруҳида) → $19,95 \pm 3,45$ мкм (ўткир давр)

Синусоид капиллярлар диаметри: $7,41 \pm 0,39$ мкм (назорат гуруҳида) → $8,53 \pm 0,41$ мкм (ўткир давр)

Гепатоцитлар диаметри: $13,53 \pm 0,35$ мкм (назорат гуруҳида) → $15,41 \pm 0,27$ мкм (ўткир давр)

Ядро диаметри: $7,37 \pm 0,29$ мкм (назорат гуруҳида) → $10,01 \pm 0,18$ мкм (ўткир давр)

Ядро/цитоплазматик нисбат: $0,544 \pm 0,026$ (назорат гуруҳида) → $0,649 \pm 0,016$ (ўткир давр)

Икки ядроли гепатоцитлар сони: 5 та (назорат гуруҳида) → 10-12 та (ўткир давр)

Купфер ҳужайралари сони: 34 та (назорат гуруҳида) → 83 та (ўткир давр)

Лейкоцитлар сони: 45 та (назорат гуруҳида) → 91 та (ўткир давр)

Яллиғланиш ва иммун жавобнинг кучайиши билан бирга гепатоцитларнинг пролиферацияси, Купфер ҳужайралари ва лейкоцитлар сонининг ортиши қайд этилди.

Эрта даврдаги морфометрик ўзгаришлар:

Яллиғланиш сусайиб, регенерация жараёнлари фаоллашди:

Марказий веналар диаметри: $22,40 \pm 2,61$ мкм

Синусоид капиллярлар диаметри: $7,91 \pm 0,36$ мкм

Гепатоцитлар диаметри: $14,01 \pm 0,29$ мкм

Ядро диаметри: $9,97 \pm 0,21$ мкм

Ядро/цитоплазматик нисбат: $0,736 \pm 0,015$

Икки ядроли гепатоцитлар сони: 8 та (регенерация жараёни суст кечаётганини кўрсатади)

Купфер ҳужайралари сони: 79 та (фагоцитар жавоб ҳали ҳам юқори)


Лейкоцитлар сони: 62 та, эозинофиллар улуши 10,1%.

Фиброз жараёни кучайиб, Купфер ҳужайралари ҳали ҳам фаоллигини сақлаб қолди. Лейкоцитлар сони камайди, бу эса яллиғланишнинг секинлашганини кўрсатди.

IV БОБ. ОРҚА МИЯ ТРАВМАТИК ЖАРОҲАТЛАНИШИДА ЖИГАРДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ БИОКОРРЕКЦИЯЛАШ ВА ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ ЭКСПРЕССИЯЛАНИШ ДАРАЖАЛАРИ (Ki-67, Bcl-2)

§4.1. Орқа миёна травматик жароҳатланишида жигарнинг морфологик ва морфометрик параметрларини дори воситалари таъсиридан кейинги ўзгаришлари


Коррекция (Нейромидин, Пентоксифиллин, Метилпреднизолон ва Фитоливер препарати) дан сўнг жигар марказий веналар диаметри $19,0 \pm 3,0$ мкм гача пасайди, бу эса қон айланишининг яхшиланиши ва веноз тўлақонликнинг камайганлигини билдиради. Томир деворларида ўрта даражадаги коллагенизация кузатилади, бу эса уларнинг барқарорлашувига ёрдам беради (4.1.1-расм).



**4.1.1–расм. ОМТЖда жигарнинг дори воситалари таъсиридан
кейинги микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. Катталаштириш
20x100. 1-Купфер хужайралари сонининг камайиши; 2- марказий вена
диаметрининг нормалашуви кузатилган.**


Синусоидларнинг диаметри $7,5 \pm 0,3$ мкм гача камайди, бу микроциркуляциянинг яхшиланиши ва эндотелий хужайраларининг гипертрофияси камайишини кўрсатади. Гепатоцитлар ўлчами $13,7 \pm 0,3$ мкм

гача нормаллашади, цитоплазма бир текис тусга эга бўлади, вакуолизация камаяди (4.1.2-расм).




4.1.2-расм. ОМТЖда жигарнинг дори воситалари таъсиридан кейинги микроскопик кўриниши. Г-Э билан бўялган. 20х40 катталаштирилган. 1-Куппфер хужайралари сонининг камайиши; 2- лейкоцитларнинг камайиши; 3-гепатоцит ядролари диаметрининг кичрайиши (нормага яқин).

Коллаген толалари меъёрий даражада бўлиб, жигар паренхимаси архитектоникасини барқарор сақлашга ёрдам беради. Гепатоцитлар ядросининг диаметри $8,0 \pm 0,2$ мкм гача пасайди, бу хужайра стрессининг ўткир яллиғланишнинг камайиши ва тикланиш жараёнининг барқарорлашувини кўрсатади. Ядроларнинг шакли аниқ бўлиб, хроматин бир текис тарқалган (4.1.3-4.1.4-расм).



4.1.3-расм. ОМТЖда жигарнинг дори воситалари таъсиридан кейинги микроскопик кўриниши. Ван-Гизон бўйича бўялган. 20x40 Катталаштирилган. 1-томир атрофи коллагенизацияси.



4.1.4 -расм. ОМТЖда жигарнинг дори воситалари таъсиридан кейинги микроскопик кўриниши. Ван-Гизон бўйича бўялган. 20x10 катталаштириш. 1-томир атрофи коллагенизацияси.

4.1-жадвал

Назоратда ва ОМТЖнинг ўткир, эрта даврида ҳамда дори воситалари таъсиридан кейин оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфометрик параметрларининг ўзгаришлари жадвали, ($M \pm \sigma$)

Кўрсаткич	Назорат гуруҳи	Травматик жароҳатнинг ўткир даври	Травматик жароҳатнинг эрта даври	ОМТЖ да дори воситалари (Нейромидин, Пентоксифиллин, Метилпреднизолон ва Фитоливер препарати) таъсиридан кейин
Марказий вена диаметри (мкм)	18,15±3,55	19,95±3,45	22,40±2,61	19,0±3,0*
Синусоид капиллярлар диаметри (мкм)	7,41±0,39	8,53±0,41	7,91±0,36	7,5±0,3*
Гепатоцит диаметри (мкм)	13,53±0,35	15,41±0,27	14,01±0,29	13,7±0,3*
Гепатоцит ядросининг диаметри (мкм)	7,37±0,29	10,01±0,18	9,97±0,21	8,0±0,2**
Ядро/цитоплазматик нисбат	0,544±0,02 6	0,649±0,016	0,737±0,015	0,58±0,02*
Икки ядроли гепатоцитлар сони (дона)	5 та	12 та	8 та	6та**
Купфер хужайралари сони (дона)	34 та	83 та	79 та	40та***
Лейкоцитлар сони (дона)	45 та	91 та	62 та	48та***

*Эслатма: * $-p > 0,05$; ** $-p < 0,05$; *** $-p < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги каламушларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги.*

Ядро-цитоплазматик нисбат $0,58 \pm 0,02$ гача нормаллашди, бу хужайралар метаболизмининг барқарорлашганлигини кўрсатади.

Икки ядроли гепатоцитлар сони 6 тагача камайиши кузатилди. Купфер хужайралари сони 40 тагача пасайди.

Лейкоцитлар сони 48 тагача пасаяди, бу эса яллиғланиш жараёнининг сушлашаётганлигини ва жигар гомеостазининг тикланаётганлигини ва яллиғланиш жараёни тугаши ва фагоцитоз жараёни барқарорлашганлигини билдиради.

Дори воситалари (Нейромидин, Пентоксифиллин, Метилпреднизолон ва Фитоливер препарати) таъсирида жигар тўқимасида морфологик яхшиланиш кузатилди:

Кўрсаткич	ОМТЖ да дори воситалари (Нейромидин, Пентоксифиллин, Метилпреднизолон ва Фитоливер препарати) таъсиридан кейин
Марказий вена диаметри (мкм)	$19,0 \pm 3,0^*$
Синусоид капиллярлар диаметри (мкм)	$7,5 \pm 0,3^*$
Гепатоцит диаметри (мкм)	$13,7 \pm 0,3^*$
Гепатоцит ядросининг диаметри (мкм)	$8,0 \pm 0,2^{**}$
Ядро/цитоплазматик нисбат	$0,58 \pm 0,02^*$
Икки ядроли гепатоцитлар сони (дона)	6 та ^{**}
Купфер хужайралари сони (дона)	40 та ^{***}
Лейкоцитлар сони (дона)	48 та ^{***}

Эслатма: * $-p > 0,05$; ** $-p < 0,05$; *** $-p < 0,001$; назорат гуруҳи билан солиштирилаётган гуруҳдаги каламушларда кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги.

Бу натижалар яллиғланиш пасайиб, жигар хужайралари пролиферацияси ва микроциркуляция яхшиланганини кўрсатади.

Коллагенизация меъёрий даражада бўлиб, жигар тўқимасининг архитектураси тикланган.

Тадқиқот натижалари ОМТЖдан кейин жигарда кечадиган патогенетик жараёнларни аниқ тасвирлаш ва уларни морфометрия, иммуногистохимёвий таҳлил орқали баҳолаш имконини берди. Ушбу жараёнларнинг динамикасини ўрганиш яллиғланиш ва тикланиш механизмларини чуқурроқ тушуниш, шунингдек, коррекция ва морфометрия маълумотларига асосланиб, жигарнинг морфологик ҳолатини яхшилаш имкониятини баҳолашга ёрдам беради.

Коррекциядан сўнг жигар тўқимаси параметрларининг нормаллашиши, яллиғланиш жараёнининг пасайиши ва микроциркуляция яхшиланиши кузатилмоқда. Томирлар диаметри кичрайди, Купфер ҳужайралари ва лейкоцитлар фаоллиги ҳам сусайиши кузатилиб, регенерация ва коллаген тўқимаси мувозанатлашган ҳолда ривожланади. Коллагенизация меъёрий даражада бўлиб, жигар тўқимасини барқарорлаштиришга ёрдам беради, лекин ҳаддан ташқари фиброзга олиб келииши кузатилмади. Шу тариқа, морфометрия натижалари жигар тўқимасининг тикланиш жараёни яхши кечаётганлигини ва унинг функциялари нормаллашиб бораётганини кўрсатади.

§4.2. Орқа мия травматик жароҳатланишида жигардаги морфологик ўзгаришларни иммуногистохимёвий Bcl-2 маркери экспрессияланиши даражалари

Жигар ҳужайраларида апоптознинг бузилиши - тез-тез кузатиладиган жигар патологиясининг намоён бўлиш жараёни бўлиб, улар турли хил омиллар, жумладан аутоиммун касалликлар ва орқа мия травматик жароҳатланишининг ўткир давридаги жигарда ўткир яллиғланиш кетма-кетлиги кўзғалиши ва сурункали С гепатити касалликлари натижасида юзага келиши мумкин. Жигардаги бу каби патологик ҳолатларда, гепатоцитлар, апоптотик таначаларни тезроқ чиқаришга ҳаракат қилади ва апоптотик ҳужайраларни аниқлаш ва миқдорий таъриф апоптозни кам

баҳолашга олиб келади. Шунинг учун апоптозни ўрганишда апоптотик омилларни, яъний антиапоптотик оқсил Bcl-2 экспрессиясини аниқлашни муҳимдир.



Муаллифларнинг таъкидлашича, соғлом одамнинг хужайравий гомеостази хужайралар ўлими ва пролиферацияси (бўлиниши) ўртасидаги мувозанат билан белгиланади. Адабиёт маълумотларига кўра [11], ўткир даврда экстремал омиллар (бизнинг тажрибамизда ОМТЖнинг ўткир ва эрта даври) апоптоз активаторлари (кучайтирувчи омил) ва индукторлари (сусайтирувчи омил) орасидаги мувозанати ва қўшимча факторларнинг транскрипцияга таъсир қилиши орқали хужайранинг ўлими механизмлари ва апоптоз жараёнининг фаоллашивига олиб келади. Бу факторлар мувозанатини ва апоптозни (7-кундан 21-кунга) ОМТЖнинг жигар гепатоцитларига таъсир қилиши ҳақида қизиқарли маълумот олинди. ОМТЖ эрта даврининг 7-кунида, назорат намуналари билан солиштирилганда, препаратларнинг бўялиш интенсивлиги пасайди. Шу билан бирга, Bcl-2-маркери экспрессиясининг позитив кўрсаткичи (74% препаратларда 34,5-41,78% экспрессия) асосан жигар бўлакчаларининг микроциркулятор ўзанидаги қон томирларининг эндотелий қаватида ва лимфоцитларда, шунингдек, йирик қон томирларида (булакчалараро артериялари ва марказий веналарда), бўлакчалараро боғловчи тўқимада, ўт йўллариининг эпителий қатламида ва гепатоцитларнинг цитоплазмасида жойлашганлиги кузатилди (4.2.1-4.2.2-4.2.3-расм)..

Бундан ташқари, Ki-67 нинг юқори экспрессияси, кўпинча оғир жароҳатлар билан боғлиқ бўлган тизимли яллиғланиш ёки гипоксия туфайли жигар зарарланишини кўрсатиши мумкин.

Ki-67 (пролифератив индекс) экспрессияланиши даражаси фоизлар ҳисобида баҳоланди. Маркёр экспрессияланиш бўялиши миқдорий жиҳатдан нисбий фоизлар ҳисобида енгил, ўрта ва кучли даражадаги экспрессияланиш деб баҳоланди ва бу кўрсаткичлар:



- 0 (бўялишнинг йўқлиги);

- 1+ (<20% хужайралар, сушт бўялган);
- 2+ (20-60% хужайралар, ўртача даражада бўялган);
- 3+ (>60% хужайралар, кучли даражада бўялган) таснифга ажратилган.



Умумий аниқланган хужайралар сони	605
Позитив хужайралар	16
Негатив хужайралар	589
Позитив экспрессия	7.99%
Умумий майдон	529740 px ²

4.2.1 -расм. Назорат гуруҳдаги жигар тўқималарида Bcl-2 маркери паст даражада экспрессияланган. Даб хромоген усулида бўялган. 400 марта катталаштирилган тасвир. QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда.





Умумий аниқланган хужайралар сони	596
Позитив хужайралар	249
Негатив хужайралар	347
Позитив экспрессия	41,78%
Умумий майдон	977379 px ²

4.2.2-расм. ОМТЖнинг ўткир давридаги жигар тўқималарида Bcl-2 маркери ўрта даражада экспрессияланган.

Даб хромоген усулида бўялган. 400 марта катталаштирилган тасвир. QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда.

ОМТЖдан кейинги 21-кун, эрта даврда Bcl-2 протеинларининг умумий экспрессия интенсивлиги пасайди. (63% препаратларда 19,23-22,41% экспрессияси). Ушбу кузатиш даврида жигар бўлакларининг турли қисмларида иммуногистохимёвий бўяшнинг яққол мозаик (хилма-хиллик) тарздаги ўзгариши кузатилди: Bcl-2 билан бўялган гепатоцитлар қисмлари эндотелий қаватига, синусоид капиллярларига ва қон хужайраларига, айниқса, капиллярларнинг бўшлиғида жойлашган лимфоцитларга юқори кетма-кетликда эга бўлган зоналар билан навбатлашиб келди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, орқа мия травматик жароҳатланишнинг эрта даври жигар тўқимасида Bcl-2 позитив бўяш интенсивлигининг пасайиши фонида кечди. Назорат гуруҳида эса 7,99% паст даражадаги экспрессиялананиши апоптоз жараёнини тезлигидан далолат беради. Бу эса жигар тўқималарида регенерация хусусиятини тикланганлигини исботлайди (4.2.3-расм).




Умумий аниқланган хужайралар сони	540
Позитив хужайралар	121
Негатив хужайралар	419
Позитив экспресия	22,41%
Умумий майдон	1037079 px ²

4.2.3-расм. ОМТЖнинг эрта давридаги жигар тўқималарида Bcl-2 маркери ўрта даражада экспрессияланган. Даб хромоген усулида бўялган. 400 марта катталаштирилган тасвир. QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда.

§4.3. Орқа мия травматик жароҳатланишида жигардаги морфологик ўзгаришларни иммуногистокимёвий Ki-67 маркери экспрессияланиш даражалари ёрдамида таҳлил қилиш

Қайта тикланиш яъни регенерация жигарнинг жароҳатланишга жавобан химоя реакцияси бўлиб, у жароҳатланишдан кейин яллиғланиш реакциялари кучайиб, бунда жигар ўз функциясини тиклашга ҳаракат қилади. Жигар хужайралари пролиферацияси ва уларнинг нобуд бўлиши ўртасидаги мувозанатининг бузилиши, жигар циррози ва ГЦК шаклланишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда ишончли пролиферация маркерларидан бири сифатида Ki-67 протеини илмий жамоатчилик томонидан кенг тан олинган. Шу вақтгача олиб борилган кўплаб тадқиқотларда Ki-67 ни аниқлаш ва унинг ифодаланиш хусусиятларига бағишланган илмий ишлар эълон қилинган. Тадқиқотнинг мақсади ОМТЖнинг ўткир ва эрта даврларида жигарнинг регенератив қобилятини (гепатотоцитларда) солиштириш асосида (Ki-67 ифодасида) таққослаш (4.3.1-расм).



Умумий аниқланган хужайралар сони	483
Позитив хужайралар	87


Негатив хужайралар	394
Позитив экспресия	37,23 %
Умумий майдон	1101371 px ²

4.3.1-расм. ОМТЖнинг ўткир давридаги жигар тўқималарида Ki-67 маркери ўрта даражада экспрессияланган. Даб хромоген усулида бўялган. 400 марта катталаштирилган тасвир. QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда.

Ki-67 экспрессиясининг ошиши, жигар хужайраларининг ва бошқа хужайраларнинг яллиғланиш жараёнларига жавобан фаол кўпайишини (пролиферациясини) кўрсатиши мумкин.

Тадқиқот натижаларига кўра, ОМТЖдан кейинги ўткир даврда Ki-67 экспрессияси 70% намуналарда 31,4-37,23% ни ташкил этган, эрта даврда эса 67% намуналарда 15,8-19,21% даражада кузатилган (4.3.2-расм)..

Назорат гуруҳида эса 2,64% паст даражадаги экспрессиялангани кузатилди ва бу пролифератив жараёнлар сустлигидан далолат беради (4.3.1-расм). Орқа мия травматик жароҳатланишнинг ўткир даври босқичида жигар хужайраларининг фаол пролиферацияси (кўпайиши) ва қайта тикланиш жараёнлари юқори даражада кечади. Бу жигарнинг яллиғланишга жавоби сифатида хужайраларнинг тез тикланишга ҳаракат қилишини англатади.



Умумий аниқланган хужайралар сони	432
Позитив хужайралар	83
Негатив хужайралар	378
Позитив экспресия	19,21%
Умумий майдон	976385 px ²

4.3.2-расм. ОМТЖнинг эрта давридаги жигар тўқималарида Ki-67 маркери суст даражада экспрессияланган. Даб хромоген усулида бўялган. 400 марта катталаштирилган тасвир. QuPath-0.4.0.ink. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиш даражаси аниқланган.

Экспрессияланган хужайралар қизил рангда.

Ушбу натижалар ОМТЖ жигар тўқимасида сезиларли тикланиш жараёнини рағбатлантиришини, лекин бу жараён вақт ўтиши билан сустлашганлигини кўрсатади. Ўткир даврда жигар хужайралари максимал пролиферацияга эришса, эрта даврда бу жараён пасаяди, бу эса тикланишнинг янги босқичга ўтганини кўрсатиши мумкин Bcl-2 экспрессияси (антиапоптозлик ҳимоя механизми).

Ўткир давр: 74% препаратларда 34,5-41,78% экспрессия

Эрта давр: 63% препаратларда 19,23-22,41% экспрессия

Ki-67 экспрессияси (регенерация ва пролиферация маркери)

Ўткир давр: 70% препаратларда 31,4-37,23%

Эрта давр: 67% препаратларда 15,8-19,21%.

Бу натижалар ўткир даврда жигар хужайралари жадал пролиферацияга учрайди ва шу даврда коррекция бошланмаса ўсма олди ва ўсма касалликларига олиб келиши мумкинлиги, эрта даврда эса регенерация жараёни сустлашиши ва фиброзланишнинг кучайишига олиб келади, фиброзланиш эса жигар фаолиятининг бузилиши ва сурункали гепатит ва циррозга олиб келиши мумкин деган хулосага келиш имконини беради.

§4.4. Қон биокимёвий таҳлили натижалари ва “Fitoliver” воситаси таъсиридан кейинги ўзгаришлари

Турли таъсирлар (механик, токсик) заминида организмда у ёки бу даражада организмнинг аъзо ва тўқималарида морфологик ёки физиологик ўзгаришлар бўлиши табиий. Организмда юзага келадиган ҳар бир жараёнда жигарнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Қоннинг биокимёвий таҳлили турли жароҳатлар, жумладан ОМТЖ да жигар фаолиятини белгиловчи муҳим лаборатор текшириш усулларида бири ҳисобланади.

Таҳлил организмнинг турли орган ва тизимларининг фаолияти ҳақида маълумот беради. Аммо шуни эсда тутиш керакки, биокимёвий қон таҳлили экспериментал ҳайвонларнинг умумий ҳолатини баҳолашга хизмат қилади.

Умумий оқсил (альбумин) даражаси яллиғланиш жараёнларида нормага нисбатан ўзгаради. Билирубин - жигар шикастланишинини билдиради ва бу ҳолатда билирубин даражаси кўтарилади. Аспартат аминотрансфераза (АСТ) ва аланин аминотрансфераза (АЛТ): бу кўрсаткичлар жигар шикастланишини акс эттиради ва кўтарилган қийматлар жигар гепатоцитлари цитолизидан ишора қилиши мумкин.

Лактатдегидрогеназа (ЛДГ) даражасининг кўтарилиши тўқималарнинг шикастланишини кўрсатади ва беморнинг аҳволи оғирлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Қон биокимёвий таҳлили ҳар доим бошқа клиник ва лаборатор маълумотлар билан биргаликда ташҳислаш учун қўлланилади.


Текширилаётган оқ зотсиз каламушларнинг қон биокимёвий таҳлили ўтказилди.

Назорат остидаги интакт, ОМТЖдан кейинги (3-кун, 10-кун ва 21-кун) кунларда ва дори воситаларини қабул қилгандан сўнг оқ зотсиз каламушлар қон зардобидаги биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилди.

Оқ зотсиз каламушларда цитолитик синдром индикаторларининг ўзгариши ўрганилганда, интакт оқ зотсиз каламушлар қон зардобида АЛТ ўртача $66,3 \pm 2,6$ [60,5-70,2] Б/л, АСТ ўртача $180,5 \pm 8,9$ [159,2-190,5] Б/л, ЛДГ эса ўртача $399,9 \pm 7,2$ [379,3-408,9] Б/л ни ташкил этди. Назорат остидаги оқ зотсиз каламушлар икки гуруҳга бўлиниб, 1-асосий гуруҳ ($n=50$) каламушларга нейротропик воситалар буюрилган бўлса, 2-асосий гуруҳи оқ зотсиз каламушларга ($n=50$) нейротропик воситалар билан бирга “Фитоливер” (қушқўнмас+маккай сано) БФҚ буюрилди.

Экспериментнинг 3-кунида 1-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобида АЛТ ўртача $130,52 \pm 7,17$ [120,1-140,9] Б/л, АСТ ўртача $282,31 \pm 3,02$ [277,1-286,9] Б/л, ЛДГ эса ўртача $473,37 \pm 3,68$ [469,11-480,8] Б/л ни ташкил этган


булса, нейротропик воситалар билан бирга “Fitoliver” (кушқўнмас+маккаи сано) БФҚ буюрилган 2- асосий гуруҳдаги (n=50) оқ зотсиз каламушларда экспериментнинг 3-кунида асосий гуруҳ каламушлар қон зардобида АЛТ ўртача $130,54 \pm 7,19$ [120,15-140,18] Б/л, АСТ ўртача $282,14 \pm 3,01$ [277,1-286,18] Б/л, ЛДГ эса ўртача $473,27 \pm 3,79$ [469,7-480,9] Б/л қайд этилди (4.4.1-расм).



4.4.1-расм. Экспериментдаги оқ зотсиз каламушларда жароҳатнинг 3-кунида цитолитик синдром индикаторларининг ўзгариши


Жигар жароҳатининг 3-кунида юзага келган биокимёвий кўрсаткичлардан билирубин, мочевино, умумий оқсил ва альбумин томонидан юзага келган ўзгаришлар ҳақидаги маълумот 4.4.2-расмда келтирилган. Расмда келтирилган маълумотларга кўра, интакт зотсиз оқ каламушлар қон зардобида умумий билирубин миқдори ўртача $0,9 \pm 0,1$ [0,7-1,1] мкмол/л, умумий оқсил ўртача $67,2 \pm 1,1$ [65,1-68,8] г/л, мочевино ўртача $8,2 \pm 0,3$ [7,8-8,8] ммоль/л, альбумин $30,0 \pm 0,8$ [29,1-3,4] г/л ни ташкил этган бўлса, 1-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобида умумий билирубин миқдори ўртача $1,07 \pm 0,11$ [0,9-1,45] мкмол/л, умумий оқсил ўртача $67,09 \pm 1,4$ [65,1-67,9] г/л, мочевино ўртача $8,34 \pm 0,28$ [7,8-8,8] ммоль/л, альбумин $30,27 \pm 0,77$ [29,12-31,9] г/л ни, 2-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобида

умумий билирубин миқдори ўртача $1,00 \pm 0,22$ [0,104-1,9] мкмол/л, умумий оксил ўртача $66,83 \pm 1,35$ [65,11-69,9] г/л, мочевино ўртача $8,36 \pm 0,23$ [7,9-8,8] ммоль/л, альбумин $30,06 \pm 0,80$ [29,1-31,24] г/л га тенг бўлди.




4.4.2-расм. Экспериментдаги оқ зотсиз каламушларда жарохатнинг 3-кунида биокимёвий индикаторларининг ўзгариши

Синовнинг 10-кунида 1-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобиди цитолитик синдром индикаторлари - АЛТ ўртача $111,03 \pm 3,27$ [105,1-115,7] Б/л, АСТ ўртача $262,78 \pm 2,08$ [259,1-265,9] Б/л, ЛДГ эса ўртача $464,84 \pm 3,25$ [461,1-474,03] Б/л ни ташкил этган бўлса, нейротропик воситалар билан бирга “Fitoliver” (қушқўнмас+маккаи сано) БФҚ буюрилган 2-асосий гуруҳдаги (n=50) оқ зотсиз каламушларда даволашнинг 10-кунида асосий гуруҳ каламушлар қон зардобиди АЛТ ўртача $92,18 \pm 4,15$ [83,19-100,2] Б/л, АСТ ўртача $235,18 \pm 3,04$ [230,1-240,6] Б/л, ЛДГ эса ўртача $458,04 \pm 5,08$ [452,1-468,8] Б/л га тенг бўлди (4.4.3-расм). Маълумотлар таҳлили кўрсатишича, солиштирилаётган гуруҳлардаги каламушларда кўрсаткичлардаги фарқлар ишончли бўлди ($P < 0,05$; $P < 0,001$).




4.4.3-расм. Экспериментдаги оқ зотсиз каламушларда даволашнинг 10-кунида цитолитик синдром индикаторларининг ўзгариши

4.4.4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, даволанишнинг 10-кунида асосий гуруҳ каламушлар қон зардобида умумий билирубин миқдори ўртача $1,00 \pm 0,12$ [0,89-1,5] мкмол/л, умумий оқсил ўртача $67,35 \pm 1,55$ [65,1-69,9] г/л, мочевино ўртача $8,32 \pm 0,29$ [7,92-8,8] ммоль/л, альбумин $30,33 \pm 0,79$ [29,12-31,8] г/л, билирубин миқдори $0,98 \pm 0,18$ [0,102-1,12] мкмол/л, умумий оқсил ўртача $67,18 \pm 1,65$ [64,11-69,7] г/л, мочевино ўртача $8,38 \pm 0,27$ [7,95-8,91] ммоль/л, альбумин $30,04 \pm 1,25$ [28,-31,96] г/л ни ташкил этди ($P > 0,05$).




4.4.4-расм. Экспериментдаги оқ зотсиз каламушларда даволашнинг 10-кунида қон биокимёвий индикаторларининг ўзгариши

Тадқиқотларимизнинг сўнги босқичида, даволанишнинг 21-кунида асосий гуруҳ каламушлар қон зардобидеги АЛТ ўртача $91,29 \pm 3,11$ [85,26-96,9] Б/л, АСТ ўртача $234,09 \pm 2,82$ [230,1-237,9] Б/л, ЛДГ эса ўртача $455,95 \pm 3,29$ [446,1-465,9] Б/л ни ташкил этган бўлса, 2 асосий гуруҳ каламушларида АЛТ ўртача $64,32 \pm 2,18$ [60,1-68,8] Б/л, АСТ ўртача $175,11 \pm 6,18$ [159,9-185,8] Б/л, ЛДГ эса ўртача $395,84 \pm 7,82$ [380,9-406,3] Б/л ни ташкил этди (4.4.5-расм). Маълумотлар таҳлили кўрсатишича, солиштирилаётган гуруҳлардаги каламушларда кўрсаткичлардаги фарқлар ишончли бўлди ($P < 0,05$; $P < 0,001$).



4.4.5-расм. Экспериментдаги оқ зотсиз каламушларда даволанишнинг 21-кунида цитолитик синдром индикаторларининг ўзгариши

Тадқиқотларимизнинг сўнги босқичида, даволанишнинг 21-кунида асосий гуруҳ каламушлар қон зардобида умумий билирубин миқдори ўртача $1,13 \pm 0,24$ [0,92-1,99] мкмол/л, умумий оқсил ўртача $67,85 \pm 2,27$ [65,1-75,98] г/л, мочевино ўртача $8,23 \pm 0,16$ [7,96-8,63] ммоль/л, альбумин $30,01 \pm 1,4$ [27,1-31,9] г/л, 2-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобида умумий билирубин миқдори ўртача $0,91 \pm 0,14$ [0,2-1,1] мкмол/л, умумий оқсил ўртача $67,38 \pm 1,82$ [65,92-69,9] г/л, мочевино ўртача $8,32 \pm 0,22$ [7,97-8,74] ммоль/л, альбумин $30,75 \pm 1,9$ [28,1-37,05] г/л га тенг бўлди (4.4.6-расм).



4.4.6-расм. Экспериментдаги оқ зотсиз каламушларда даволанишнинг 21-кунида биокимёвий индикаторларининг ўзгариши

Расмда келтирилган маълумотлар кўрсатишича, ОМТЖ оқ зотсиз каламушлар жигарининг оксил синтез қилиш функцияси ҳамда билирубин алмашинувининг сезиларли даражада бузилишига олиб келмайди. Шунини таъкидлаб ўтмоқ лозимки, ўтказилган текширишларнинг натижалари шунини кўрсатдики, экспериментдан сўнг АЛТ, АСТ ҳамда ЛДГ ферментларининг фаоллиги зотсиз оқ каламушларда статистик равишда юқори бўлган. Умум қабул қилинган нейротроп препаратлар таъсирида цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ, ЛДГ) даволанишнинг 21-кунида ҳам статистик ишончли равишда интакт каламушлар кўрсаткичидан юқорилигича қолган ва узок давом этганлигини таъкидлаш лозим.

ХОТИМА

Тана аъзо тизимларининг функционал морфологияси ҳозирги вақтда турли даражадаги фундаментал популяция, организм, аъзо, тўқима, хужайра ва цитогенетик умумий биологик позициялар, шунингдек амалий жиҳатдан кенг ўрганилмоқда. Ҳайвонлар ва одамларнинг танаси доимо турли хил табиатли биологик, кимёвий ва физик бир қатор зарарли омилларга таъсир қилади. Физикавий омиллар орасида механик шикастланишнинг танадаги бир қатор аъзо ва тизимларнинг функционал морфологиясига таъсирини таҳлил қилиш шубҳасиз муҳим ва долзарбдир. Турли таъсирлар натижасида серқирра функцияли жигарнинг норма ва патологияда (экспремент, клиник тиббиёт) ўрганиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 250 000 дан 500 000 гача одам орқа мия шикастланиши билан жароҳатланади ва бутун дунё бўйлаб 15 миллиондан ортиқ одам орқа мия шикастланиши (ОМШ) билан яшайди [ЖССТ, 2024]. ОМЖнинг асосий сабаблари йўл-транспорт ҳодисалари (38%), йиқилишлар (22,2%), спорт жароҳатлари ва бахтсиз ҳодисалар (22,5%) ҳисобланади [87; 425–438-б.]. ОМЖнинг клиник манзараси ҳаракат фаоллигининг дефицити, сенсор ва вегетатив функцияларнинг бузилиши, нейропатик оғриқлар билан тавсифланади. Спинал травманинг патогенези одатда фалажликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ёмон прогноз билан оғирлашади. Қолаверса, баъзи касалликлар орқа миянинг шикастланиш хавфини келтириб чиқариши ёки ошириши мумкин [107; 56 – 87-б.].

ОМЖ жабрланган одамларнинг жисмоний имкониятларини сезиларли даражада чеклаб қўядиган ҳодисалардан биридир. Орқа миянинг маҳаллий шикастланишидан ташқари, ОМЖ билан оғриган беморларда кўплаб аъзоларнинг дисфункцияси ёки етишмовчилиги билан тавсифланадиган турли хил асоратлар ривожланади. Нейроген оғриқ, депрессия, ўпка шикастланиши, юрак-қон томир касалликлари, жигар

шикастланиши, буйрак дисфункцияси, сийдик чиқариш йўллари инфекцияси ва патоген инфекцияга юқори сезувчанлик каби касалликлар жароҳатланган беморларда кенг тарқалган бўлиб, функционал тикланишга тўсқинлик қилади ва ҳатто ҳаёт учун хавфли бўлиши мумкин. Кўплаб далиллар шикастланган орқа миядан келиб чиқадиган патологик алоқалар, жароҳатдан кейинги тизимли яллиғланиш ва иммунитетнинг сусайиши ОМЖдан кейинги асоратларнинг асосида ётувчи муҳим кўп омилли механизмлар эканлигини кўрсатади. ОМЖ иммунитет ҳужайраларининг ва яллиғланиш медиаторларининг юқори айланиши билан тавсифланадиган тизимли яллиғланиш реакцияларини кўзғатади, бу эса иккиламчи аъзоларга яллиғланиш ҳужайраларининг инфильтрациясига ва аъзолар дисфункциясига ёрдам берувчи яллиғланиш микромуҳитининг сақланишига олиб келади. ОМЖ, шунингдек, иммунитет аъзоларининг дисфункцияси орқали иммунитет танқислигини келтириб чиқаради, бу патоген инфекцияга қарши реакциянинг бузилишига олиб келади [164; 260-б.]. Сезувчанлик ва ихтиёрий ҳаракатларнинг бузилишидан ташқари, ОМЖ автоном нерв тизимининг ишини бузади ва организм функцияларини мувофиқлаштиришда орқа миянинг муҳим аҳамияти туфайли кўплаб аъзоларда дисфункция ёки етишмовчиликни келтириб чиқаради [161; 29–39-б.]. ОМЖдан кейинги қисқа муддатли ва узоқ муддатли асоратлар нерв тизимида (масалан, нейроген оғриқ ва депрессия), ўпкада (масалан, ўпка шиши ва нафас етишмовчилиги), юрак-қон томир тизимида (масалан, ортостатик гипотензия ва автоном дисрефлексия), талокда (масалан, талок атрофияси ва лейкопения), сийдик чиқариш тизимида (масалан, нейроген қовуқ, буйрак шикастланиши ва сийдик чиқариш йўллари инфекцияси), скелет мушакларида (масалан, спастиклик ва мушак атрофияси), суякларда ва юмшоқ тўқималарда (масалан, остеопороз ва гетеротопик суякланиш) ва терида (ётоқ яралари) пайдо бўлиши мумкин ва жинсий дисфункция, жигар патологияси, нейроген ичак дисфункцияси, синрингомиелия ва инфекцияларга юқори

сезувчанликни ўз ичига олади.

ОМШ дан кейинги кўп аъзоли дисфункция кўплаб компонентларнинг мураккаб тартибга солиши остида бўлади. Мия устуни соҳаларидан (масалан, кўприк ва узунчоқ мия) келиб чиқувчи бош мия нервлари кўплаб аъзоларнинг функцияларини назорат қилади ва мия устуни рефлекслари орқа мия шикастланган беморларда ўзгарганлиги ҳақида хабар берилган [125; 45–53-б.].

ОМШ беморларда жигар фаолиятининг бузилиши ва метаболик дисфункция билан боғлиқ стеатоз жигар касаллигининг (МДСЖК) ривожланишига олиб келади [78; 253–260-б.]. Экспериментал моделлар шунингдек, ОМШдан тикланишга таъсир қилиши мумкин бўлган жигарнинг ўткир ва сурункали ўзгаришларини кўрсатади [91; 113160-б., 166; 2300481-6105; 691–6-б., 83; 1194–201-б., 86; 1923–1934-б., 157; 159–69-б., 92; 2872–2882-б., 90; 113725 -б., 53; 150059-б., 61; 223–30-б., 56; 1626–37-б.].

Fernandez-Canadas et al. (2025) ОМШ билан оғриган каламушларда ЖЮХнинг вақтинчалик фаоллашувини тасвирлаб, бу глиал фибрилляр кислотали оксилнинг ўткир пасайишидан бошланиб, SMA+ миофибробластсимон ҳужайраларга морфологик ва фенотипик трансформацияга олиб келишини исботлашган. Бу трансформация жароҳатдан кейинги 14-кунда энг юқори чўққига етади ва 45-кунга келиб назорат даражасига қайтади. Бу ўзгаришлар ўрганилган вақт давомида фиброзга олиб келмайди, лекин 45-кундан кейин перипортал зоналарда ўртача коллаген чўкиндиляри ҳосил бўлади [82; 2826-б.].

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ОМЖ оқибатларининг олдини олиш усуллари турли ҳайвонларда, жумладан, каламушлар, сичқонлар, мушуклар, итлар, минипигларда систематик тадқиқот предметиға айланди [8; 92–100-б., 72; 181-б., 51; 7533-б., 69; 2337-б.].

Қатор муаллифларнинг маълумотларига кўра, бош мия жароҳати жигар паренхимасининг шикастланиши ва унинг фаолиятининг бузилиши

билан кечади [26; 10–134-б., 21101–107-б.]. Аниқланишича, жароҳатдан кейинги биринчи соатлардаёқ гепатоцитларнинг майда ўчоқли некрозлари ва жигар микроциркуляциясининг ўзгаришлари кузатилади. Жигарда циркулятор ва деструктив-некробиотик жараёнларнинг ривожланиши гипопротеинемия, транзитор ферментемия, қон зардобиди глюкоза ва билирубин миқдорининг ошиши билан намоён бўлади [123; 122–129-б., 38; 83-б.].

Тешаев Ш.Ж., Олимова А.З. (2022) маълумотларига кўра, бош мия шикастланишлари таъсирида бўлган тажриба гуруҳларини назорат гуруҳи оқ зотсиз каламушлари билан солиштирилганда 1-7-кунларда марказий вена ўртача диаметрининг 5,56% га, бўлакчалараро вена ўртача диаметри 2,74% га, бўлакчалараро артерияларнинг ўртача диаметри 5,7% га, бўлакчалараро ўт йўлининг ўртача диаметри 7,4% га, синусоидли капилляр ўртача диаметрининг кўрсаткичи 9,37% га ошганлиги аниқланган [34; 257–260-б.].

Хаитова Д.Ш., Олимова А.З. (2024) ўз тажрибаларида бош мия шикастланишинидан кейинги 1-, 7-, 21-кунларда ва шикастланишнинг илк кунларидан 10 кун даво қилинганидан кейинги оқ зотсиз каламушлар жигар тўқимасида юзага келадиган морфологик ўзгаришларни иммуногистохимик Bcl-2 маркерининг экспрессияланиш даражаси ўрганилганда, паст даражада эканлиги 80% материалларда 11,07% ни ва 20% материалларда 28,4% ни, яъни ўрта даражада экспрессияланганлиги аниқланган. Демак, бош мия шикастланишида жигар тўқимаси ҳужайраларида апоптоз жараёни (қариш ёки турли шикастловчи омиллар таъсири натижасида), яъни ҳужайраларнинг дастурлашган ўлими паст даражада эканлиги Bcl-2 маркерининг экспрессияланиш даражасига асосан исботланган [40; 299–302-б.].

Юқоридагиларга асосан тадқиқотлар Бутунжаҳон тиббиёт ассоциацияси томонидан 1964-йилда қабул қилинган ва 2013-йилда сўнгги марта қайта кўриб чиқилган лаборатор ҳайвонлар билан ишлашнинг этик

принциплари бўйича Хелсинки декларацияси ва Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти этик комитети томонидан тасдиқланган “Тажрибавий ҳайвонлардан фойдаланган ҳолда ишларни бажариш қоидалари” (16.01.2018-йил, 18-сон) келтирилган қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

Экспериментал ҳайвонлар жойлаштирилган ҳар бир кафас учун ундаги оқ зотсиз каламушларнинг сони, тажриба бошланган сана ва унинг ўтказилиши тартиби белгиланган паспорт очилди ҳамда тажриба давомида меъёрий ва тажриба гуруҳларидаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари ва физиологик ҳолати назорати қилиниб, маълумотлар қайд этиб борилди.

Тажриба 2 босқичда амалга оширилди. 1-босқичда 170 та каламуш танлаб олинди. Тажрибада давомида 12 та каламуш нобуд бўлганлиги сабабли умумий ҳисобда 158 та каламуш гуруҳларга бўлинди (2.1.1-жадвал).

1-босқичда каламушлар 3 та катта асосий гуруҳга бўлинди ($n=158$):

1. Назорат гуруҳи – 67 та каламушлар

1а-гуруҳ – ўз таркибига 15 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда кузатувнинг 1-суткасида морфометрик текширувлар ўтказилган.

1б-гуруҳ – ўз таркибига 12 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда кузатувнинг 7-суткасида морфометрик текширувлар ўтказилган.

1в-гуруҳ – ўз таркибига 14 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда кузатувнинг 14-суткасида морфометрик текширувлар ўтказилган.

1г-гуруҳ – ўз таркибига 15 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда кузатувнинг 21-суткасида морфометрик текширувлар ўтказилган.

1д-гуруҳ – ўз таркибига 11 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда кузатувнинг 28-суткасида морфологик текширувлар ўтказилган.

2. Тажриба гуруҳи – 74 та каламушлар

2а-гуруҳ – ўз таркибига 17 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда орқа мия травматик жароҳати келтириб чиқарилгандан сўнг 1-суткадаги морфометрик ўзгаришлар ўрганилган.

2б-гурух – ўз таркибига 11 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда орқа мия травматик жароҳати келтириб чиқарилгандан сўнг 7-суткадаги морфометрик ўзгаришлар ўрганилган.

2в-гурух – ўз таркибига 15 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда орқа мия травматик жароҳати келтириб чиқарилгандан сўнг 14-суткадаги морфометрик ўзгаришлар ўрганилган.

2г-гурух – ўз таркибига 15 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда орқа мия травматик жароҳати келтириб чиқарилгандан сўнг 21-суткадаги морфометрик ўзгаришлар ўрганилган.

2д-гурух – ўз таркибига 16 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда орқа мия травматик жароҳати келтириб чиқарилгандан сўнг 28-суткадаги морфометрик ўзгаришлар ўрганилган.

3. Асосий гуруҳ – 17 та каламушлар

3а-гурух – ўз таркибига 17 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда орқа мия травматик жароҳати келтириб чиқарилгандан сўнг учинчи суткадан даво муолажаларини (Нейромидин, Пентоксифиллин, Метилпреднизолон ва Фитоливер препарати ёрдамида) ўтказгандан кейин жигарининг морфометрик ўзгаришлар ўрганилган.

2-босқичда 125 та 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар танлаб олинди ва каламушлар 3 та асосий гуруҳга бўлинди (n=125):

1. Назорат гуруҳи - ўз таркибига 25 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, қоннинг биокимёвий текширувлари ўтказилган.

2. Тажриба гуруҳи - ўз таркибига 100 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, уларда ОМТЖ келтириб чиқарилгандан сўнг 3 - суткасида қоннинг биокимёвий текширувлари ўтказилди.

3. 1-асосий гуруҳ - ўз таркибига 50 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, ОМТЖ олгандан кейинги учинчи суткадан бошлаб консерватив даво муолажаларини (Нейромидин, Пентоксифиллин, Метилпреднизолон) ўтказгандан кейин 10-суткада ва 21-суткада қоннинг биокимёвий текширувлари ўтказилди.

4. 2-асосий гуруҳ - ўз таркибига 50 та оқ зотсиз каламушларни олган бўлиб, ОМТЖ олгандан кейинги учинчи кундан бошлаб консерватив ва БФҚ даво муолажаларини (Нейромидин, Пентоксифиллин, Метилпреднизолон ва “Фитоливер” БФҚ ёрдамида) ўтказгандан кейин 10-суткада ва 21-суткада қоннинг биокимёвий текширувлари ўтказилди.

Медикаментоз коррекция мақсадида 28 кун давомида Нейромидин 5 мг/мл эритма 249 мл натрий хлориднинг изотоник эритмасида эритилди ва ҳосил бўлган аралашма 0,5 мл дан мушак орасига юборилди, Пентоксифиллин 100мг/5мл 0.5мл 5 мл эритма 245 мл натрий хлориднинг изотоник эритмасида эритилди ва ҳосил бўлган аралашма 0,5 мл дан мушак орасига юборилди, Метилпреднизолон 500 мг/мл эритма 249 мл натрий хлориднинг изотоник эритмасида эритилди ва ҳосил бўлган аралашма 0,5 мл дан мушак орасига юборилди мушак ичига юборилди, ҳамда “Fitoliver” БФҚ инсулин шприц билан юборилди. "Метал шарчали маятник" усули бўйича ҳайвонларнинг орқа мия шикастланишидан кейинги гуруҳларда ва назорат гуруҳларда морфологик ва морфометрик кўрсаткичлар қиёсий таҳлили ўтказилди ва олинган натижалар статистик қайта ишланди ва тавсифланди. Тадқиқот натижалари ҳисобот шаклида қайд этилди.

Тажрибавий равишда чақиртирилган ОМТЖ кейин каламушларнинг жигарида бир қатор морфометрик ўзгаришлар кузатилди:

Марказий вена деворининг қалинлиги назорат гуруҳида $18,15 \pm 3,55$ мкм бўлса, жароҳатланишнинг ўткир даврида $19,95 \pm 3,45$ мкм гача ошган. Икки ядроли гепатоцитлар сони 1855463 px^2 майдонда назорат гуруҳида 5 та бўлса, жароҳатланган каламушларда 12 та гача ошган. Гепатоцитларнинг диаметри назорат гуруҳида $13,53 \pm 0,35$ мкм, жароҳатланишнинг ўткир даврида $15,41 \pm 0,27$ мкм гача ошган. Ядролар диаметри назоратда $7,37 \pm 0,29$ мкм, тажриба гуруҳида $10,01 \pm 0,18$ мкм гача катталашган. Ядро/цитоплазматик нисбат назоратда $0,544 \pm 0,026$, жароҳатланган каламушларда $0,649 \pm 0,016$ гача ошган. Купфер

хужайралари сони 1935443 рх² майдонда назорат гуруҳида 32-34 та бўлса, тажриба гуруҳида 79-83 та гача ошган. Лейкоцитлар сони 1857663 рх² майдонда назоратда 45 та, жароҳатланган каламушларда 91 та, эозинофиллар улуши 22,2% гача ошган. Синусоид капиллярлари диаметри назоратда $7,41 \pm 0,39$ мкм, тажриба гуруҳида $8,53 \pm 0,41$ мкм гача ошган. Жигар массаси 180 г оғирликдаги каламушларда назоратда 10,3 г (4-6% умумий массага нисбатан), тажриба гуруҳида 48 соатда 11,8 г (15,3% ошиш), 14-куни 9,4 г (8,9% камайиш) ташкил қилган. Ушбу натижалар ОМТЖдан кейин жигар тўқимасида морфологик ва морфометрик ўзгаришлар юз бераётганини, яллиғланиш ва компенсатор жараёнлар фаоллашганини кўрсатади.

Ўткир давр - Купфер хужайралари ва лейкоцитлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу жигардаги кучли яллиғланиш ва иммун тизимининг фаол жавобини кўрсатади. Икки ядроли гепатоцитлар миқдори сезиларли ўзгармаган, бу эса ушбу босқичда регенерация жараёни ҳали фаол эмаслигини билдиради.

Эрта давр - Купфер хужайралари миқдори бироз пасайган, лекин улар ҳали ҳам юқори даражада сақланиб турибди. Лейкоцитлар сони камайган, бу эса яллиғланиш жараёни пасайишини кўрсатади. Икки ядроли гепатоцитлар миқдори деярли ўзгармаган, яъни регенерация жараёни ҳали ҳам сушт кечаётганлигидан дарак беради.

Шундай қилиб, эрта даврда жигарда яллиғланиш пасайиш тенденциясига эга бўлса ҳам, ҳали ҳам фиброз жараёнлари ва дистрофик ўзгаришлар сақланмоқда. Купфер хужайралари ва макрофаглар сони юқори даражада қолгани фагоцитар жавоб давом этаётганини, лекин тикланиш жараёни ҳали сушт кечаётганини кўрсатади. Гепатоцитларнинг катталашуви пасайган, аммо ядро/цитоплазматик дисбаланс сақланиб қолган, бу эса хужайралар функциясининг тўлиқ тикланмаганини билдиради. Жигар паренхимасида фиброзланиш ва микроциркуляция

бузилишлари кучайган, бу эса жигарнинг узоқ муддатли патологик ўзгаришларга учраши эҳтимолини оширади.

Жигар ҳужайраларида апоптознинг бузилиши - тез-тез кузатиладиган жигар патологиясининг намоён бўлиш жараёни бўлиб, улар аутоиммун касалликлар ва орқа мия травматик жараҳатланишининг ўткир давридаги жигарда ўткир яллиғланиш кетма-кетлиги қўзғалиши ва сурункали гепатит С касалликлари таъсирида юзага келиши мумкин. Жигардаги бу каби патологик ҳолатларида, жигар ҳужайралари, апоптотик таначаларни тезроқ чиқаришга ҳаракат қилади ва апоптотик ҳужайраларни аниқлаш ва миқдорий таъриф апоптозни кам баҳолашга олиб келади. Шунинг учун апоптозни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиб, апоптотик омилларни, яъний антиапоптотик оқсил Bcl-2 экспрессиясини аниқлашни ўрганишга катта аҳамият берилади.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, орқа мия травматик жароҳатланишнинг эрта фасасида жигар тўқимасида Bcl-2-позитив бўйиш интенсивлигининг ҳам Ki-67 маркери каби синхрон пасайиши фонида кечди.

Орқа мия травматик жароҳатланишида жигардаги морфологик ўзгаришларни иммуногистохимёвий Ki-67 маркери экспрессияланиш даражалари ёрдамида аниқлаш натижалари ОМЖ жигар тўқимасида сезиларли тикланиш жараёнини рағбатлантиришини, лекин бу жараён вақт ўтиши билан сусайганлигини кўрсатди. Ўткир даврда жигар ҳужайралари максимал пролиферацияга эришса, эрта даврда бу жараён пасаяди, бу эса тикланишнинг янги босқичга ўтганини кўрсатиши мумкин.

Орқа мия травматик жароҳатланишида жигарнинг морфологик ва морфометрик параметрларини “Fitoliver” воситаси таъсиридан кейинги ўзгаришларини аниқлаш ушбу восита таъсири остида жигар тўқимасида морфологик яхшиланиш кузатилди: марказий веналар диаметри: $19,0 \pm 3,0$ мкм (яъни нормаллашган), синусоидлар диаметри: $7,5 \pm 0,3$ мкм, гепатоцитлар диаметри: $13,7 \pm 0,3$ мкм, ядро диаметри: $8,0 \pm 0,2$ мкм,

ядро/цитоплазматик нисбат: $0,58 \pm 0,02$, икки ядроли гепатоцитлар сони: 6 та, Купфер хужайралари сони: 40 та, лейкоцитлар сони: 48 та.

Бу натижалар яллиғланиш пасайиб, жигар хужайралари пролиферацияси ва микроциркуляция яхшиланганини кўрсатади. Коллагенизация меърий даражада бўлиб, жигар тўқимасининг архитектурони тикланган.

Тадқиқот натижалари ОМЖдан кейин жигарда кечадиган патогенетик жараёнларни аниқ тасвирлаш ва уларни морфометрия, иммуногистохимёвий таҳлил орқали баҳолаш имконини берди. Ушбу жараёнларнинг динамикасини ўрганиш яллиғланиш ва тикланиш механизмларини чуқурроқ тушуниш, шунингдек, коррекция ва морфометрия маълумотларига асосланиб, жигарнинг морфологик ҳолатини яхшилаш имкониятини баҳолашга ёрдам беради.

Инсоният минг йиллар давомида ўсимликлардан озиқ-овқат ва даволаш воситалари сифатида фойдаланиб келган. Дунё аҳолисининг қарийб 80 фоизи турли касалликларни даволаш учун доривор ўсимликлар ва фитопрепаратлардан фойдаланади [79; 177-б.]. Ҳозирги кунда ёввойи ва маданий ўсимликлар озиқ-овқат, фармацевтика ва косметика саноатларида кенг қўлланилмоқда [147; 263–270-б., 150; 382–388-б.]. Фитопрепаратлар табиий маҳсулотларнинг алоҳида тоифаси бўлиб, ўсимликларнинг турли қисмларидан олинган тоза экстрактлар ёки табиий манбалардан ажратиб олинган битта молекулали фитохимёвий моддалардир. Ушбу маҳсулотлар бутун дунё бўйлаб тартибга солувчи органлар томонидан қатъий назорат қилинади [81; 935–944-б.].

Сукач М.С. ва бошқалар (2012) панкреонекроз билан касалланган каламушларнинг жигар функционал-метаболик кўрсаткичларига цитофлавиннинг таъсирини ўрганиб, АЛТ, амилаза ва ГГТ, ферментларнинг фаоллигини ҳамда бевосита билирубин, глюкоза ва мочевина миқдорини аниқладилар. Цитофлавинни юбориш унинг антигипоксик, мембранани барқарорлаштирувчи ва антиоксидант

таъсирлари туфайли жигарнинг функционал ҳолатининг асосий биокимёвий кўрсаткичларини, яъни гиперферментемияни камайтиради, жигарнинг алмашинув функциясини тиклайди [32; 77–82-б.].

Гаспарян Г.Г. (2015) томонидан дафна (*Laurus nobilis*) нинг спиртли экстрактининг тўрт хлорли углерод билан заҳарланган каламушларнинг қон биокимёвий кўрсаткичларига таъсири ўрганилган. Тажрибадаги турли гуруҳдаги каламушларнинг жигарлари гистокимёвий таҳлил қилиниб исботландики, *Laurus nobilis* экстракти ҳайвонларнинг қон биокимёвий кўрсаткичларининг нормаллашувини рағбатлантирди: АЛТ, АСТ, ИФ ва ГГТ фаоллиги статистик жиҳатдан сезиларли даражада пасайди (мос равишда 30, 21, 68 ва 35%) [36; 78–85-б.].

“Силимар” номли асл фитопрепаратнинг гепатопротектор фаоллигини тасдиқловчи тадқиқот каламушларда ёғли CCl_4 ни бир марта тери остига юбориш натижасида келиб чиққан экспериментал гепатит моделида ўтказилди [4; 282–291-б., 30; 227–230-б.]. Силимар 100 мг/кг дозада CCl_4 юборишдан 5 кун олдин юборилган ва жигар шикастлангандан кейин 21 кун давомида давом эттирилган. CCl_4 ни юбориш соғлом назорат шахсларига нисбатан γ -ГГТ, ИФ, АЛТ ва АСТ даражаларининг сезиларли даражада ошишига олиб келган [4; 282–291-б.].

Кейинги тадқиқотларда текширилаётган оқ зотсиз каламушларнинг қон биокимёвий таҳлили ўтказилди. Назорат остидаги оқ зотсиз каламушлар икки гуруҳга бўлиниб, асосий гуруҳдаги ($n=50$) каламушларга нейротропик воситалар билан бирга “Fitoliver” (қушқўнмас+маккаи сано) БФҚ буюрилган бўлса, назорат гуруҳи оқ зотсиз каламушлар ($n=50$) фақатгина нейротропик воситалар буюрилди. Олинган маълумотлар кўрсатиб турибдики, интакт зотсиз оқ каламушлар қон зардобидида умумий билирубин миқдори ўртача $0,9 \pm 0,1$ мкмол/л, умумий оқсил ўртача $67,2 \pm 1,1$ г/л, мочевино ўртача $8,2 \pm 0,3$ ммоль/л, альбумин $30,0 \pm 0,8$ г/л, АЛТ ўртача $66,3 \pm 2,6$ Б/л, АСТ ўртача $180,5 \pm 8,9$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $399,9 \pm 7,2$ Б/л ни ташкил этди.

Экспериментдаги оқ зотсиз каламушлар икки гуруҳга бўлиниб, 1-асосий гуруҳ (n=50) каламушларга нейротропик воситалар буюрилган бўлса, 2-асосий гуруҳи оқ зотсиз каламушлар (n=50) нейротропик воситалар билан бирга “Fitoliver” (кушқўнмас+маккаи сано) БФҚ буюрилди. Экспериментнинг 3-кунида 1-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобидида умумий билирубин миқдори ўртача $1,07 \pm 0,11$ мкмол/л, умумий оксил ўртача $67,09 \pm 1,4$ г/л, мочевино ўртача $8,34 \pm 0,28$ ммоль/л, альбумин $30,27 \pm 0,77$ г/л, АЛТ ўртача $130,52 \pm 7,17$ Б/л, АСТ ўртача $282,31 \pm 3,02$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $473,37 \pm 3,68$ Б/л ни ташкил этди.

Даволанишнинг 10-кунида 1-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобидида умумий билирубин миқдори ўртача $1,00 \pm 0,12$ мкмол/л, умумий оксил ўртача $67,35 \pm 1,55$ г/л, мочевино ўртача $8,32 \pm 0,29$ ммоль/л, альбумин $30,33 \pm 0,79$ г/л, АЛТ ўртача $111,03 \pm 3,27$ Б/л, АСТ ўртача $262,78 \pm 2,08$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $464,84 \pm 3,25$ Б/л ни ташкил этди.

Даволанишнинг 21-кунида 1-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобидида умумий билирубин миқдори ўртача $1,13 \pm 0,24$ мкмол/л, умумий оксил ўртача $67,85 \pm 2,27$ г/л, мочевино ўртача $8,23 \pm 0,16$ ммоль/л, альбумин $30,01 \pm 1,4$ г/л, АЛТ ўртача $91,29 \pm 3,11$ Б/л, АСТ ўртача $234,09 \pm 2,82$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $464,84 \pm 3,25$ Б/л ни ташкил этди.

Илмий изланишларимизнинг кейинги босқичида биз “Fitoliver” БФҚнинг юзага келган жигар фаолиятининг бузилишига таъсирини ўргандик.

Нейротропик воситалар билан бирга “Fitoliver” (кушқўнмас+маккаи сано) БФҚ буюрилган 2-асосий гуруҳдаги (n=50) оқ зотсиз каламушларда экспериментнинг 3-кунида асосий гуруҳ каламушлар қон зардобидида умумий билирубин миқдори ўртача $1,00 \pm 0,22$ мкмол/л, умумий оксил ўртача $66,83 \pm 1,35$ г/л, мочевино ўртача $8,36 \pm 0,23$ ммоль/л, альбумин $30,06 \pm 0,80$ г/л, АЛТ ўртача $130,54 \pm 7,19$ Б/л, АСТ ўртача $282,14 \pm 3,01$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $473,27 \pm 3,79$ Б/л қайд этилди.

Даволанишнинг 10-кунида 2-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобиди умумий билирубин миқдори ўртача $0,98 \pm 0,18$ мкмол/л, умумий оксил ўртача $67,18 \pm 1,65$ г/л, мочевино ўртача $8,38 \pm 0,27$ ммоль/л, альбумин $30,04 \pm 1,25$ г/л, АЛТ ўртача $92,18 \pm 4,15$ Б/л, АСТ ўртача $235,18 \pm 3,04$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $458,04 \pm 5,08$ Б/л ни ташкил этди.

Даволанишнинг 21-кунида эса 2-асосий гуруҳ каламушлар қон зардобиди умумий билирубин миқдори ўртача $0,91 \pm 0,14$ мкмол/л, умумий оксил ўртача $67,38 \pm 1,82$ г/л, мочевино ўртача $8,32 \pm 0,22$ ммоль/л, альбумин $30,75 \pm 1,9$ г/л, АЛТ ўртача $64,32 \pm 2,18$ Б/л, АСТ ўртача $175,11 \pm 6,18$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $395,84 \pm 7,82$ Б/л ни ташкил этди.

Юқорида келтирилган маълумотлар кўрсатишича зотсиз оқ каламушларда жигарнинг оксил синтез қилиш функцияси ҳамда билирубин алмашинувида сезиларли даражада бузилишига олиб келмайди. Шунини таъкидлаб ўтмоқ лозимки, ўтказилган текширишларнинг натижалари шунини кўрсатдики, экспериментдан сўнг АЛТ, АСТ ҳамда ЛДГ ферментларининг фаоллиги зотсиз оқ каламушларда статистик равишда юқори бўлган. Умум қабул қилинган нейротроп препаратлар таъсирида цитолитик синдром индикаторлари (АЛТ, АСТ, ЛДГ) даволанишнинг 21-кунида ҳам статистик ишончли равишда интакт каламушлар кўрсаткичидан юқорилигича қолган ва узоқ давом этганлигини таъкидлаш лозим.

“Fitoliver” БФҚ оқ зотсиз каламушлар орқа мия шикастланишдан сўнг жигарнинг морфологик ўзгаришидан кейинги цитолитик синдром индикаторларини (АЛТ, АСТ ва ЛДГ) назорат гуруҳи каламушларига нисбатан ишончли равишда камайтириб, меъёрга олиб келди.

ХУЛОСА

1. 1. Назорат гуруҳидаги 3 ойлик оқ зотсиз каламушлар жигарининг морфометрик кўрсаткичлари - марказий вена диаметри $18,15 \pm 3,55$ мкм; синусоидлар диаметри $7,41 \pm 0,39$ мкм; гепатоцит диаметри $13,53 \pm 0,35$ мкм ни ташкил қилиши аниқланди.

2. Травматик жароҳат олган гуруҳнинг ўткир даврида назорат гуруҳига нисбатан марказий вена диаметри 9,9% га ошган ($19,95 \pm 3,45$ мкм), синусоидлар диаметри 15,1% га катталашган ($8,53 \pm 0,41$ мкм), гепатоцит диаметри эса деярли ўзгаришсиз қолган ($7,91 \pm 0,36$ мкм). Эрта даврда эса бу ўзгаришлар янада яққолроқ ифодаланиб, марказий вена диаметри 23,5% га ($22,40 \pm 2,61$ мкм), синусоидлар диаметри 15,1% га ($8,53 \pm 0,41$ мкм) ҳамда гепатоцит диаметри назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан 3,5% га ошган ҳолда ($14,01 \pm 0,29$ мкм) қайд этилди.

3. Травматик жароҳат олган гуруҳда Bcl-2 маркерининг экспрессияланиши назорат гуруҳига нисбатан (ўткир давр: 74% препаратларда 34,5-41,78% экспрессия; эрта давр: 63% препаратларда 19,23-22,41%) 1-1,3 бараварга ошганлиги аниқланиб, дори воситалари қўлланилган гуруҳда эса Bcl-2 маркерининг экспрессияси 1,14 марта камайиши кузатилди.

4. Травматик жароҳат олган гуруҳнинг жигар тўқимасида Ki-67 маркери экспрессияланиш даражаси назорат гуруҳидаги оқ наслсиз каламушлар гуруҳига нисбатан 1,2 дан 1,8 бараваргача пасайиши кузатилди (ўткир давр: 70% препаратларда 31,4-37,23%; эрта давр: 67% препаратларда 15,8-19,21%.) Дори воситалари қўллагандан кейинги гуруҳда эса Ki-67 маркери экспрессияланиши 1,7 мартага ошганлиги аниқланди.

5. “Fitoliver” биологик фаол қўшимча таъсирида оқ зотсиз каламушлар орқа мия шикастланиши натижасида юзага келган жигар биокимёвий ўзгаришларидан цитолитик синдром индикаторлари, яъни АЛТ ўртача $130,54 \pm 7,19$ Б/л, АСТ ўртача $282,14 \pm 3,01$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $473,27 \pm 3,79$ Б/л қайд этилган бўлса, даволанишнинг 21 кунда АЛТ ўртача $64,32 \pm 2,18$ Б/л,

АСТ ўртача $175,11 \pm 6,18$ Б/л, ЛДГ эса ўртача $395,84 \pm 7,82$ Б/л ни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида АЛТ, АСТ ва ЛДГ ферментларини назорат гуруҳи каламушларига нисбатан ишочли равишда камайтириб, меъёрга олиб келишидан далолат берди.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. Орқа мия шикастланишларида олинган маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, айниқса жигар паренхимасининг морфологик хусусиятлари ўлчамлари ҳамда биокимёвий кўрсаткичлар ўзгаришини ҳисобга олиб, жароҳат шароитида кечадиган баъзи касалликларнинг ривожланиш механизмини тушунтиришга ёрдам беради. Замонавий даражада ОМШ пайтида жигар паренхимаси макро- ва микроскопик тадқиқотлари маълум даражада ОМШ ни илмий асосланган самарали қайта тиклашга имкон беради ва беморларда жигар касалликларини даволашнинг оқилона усулларини ишлаб чиқади.

2. Тадқиқот вақтида аниқланганидек, ОМШ пайтида жигар тузилмалари морфологиясининг кескин шикастланиши ҳақиқати, ОМШ ни органнинг тўқима даражасидаги ўзгаришларини келтириб чиқариш воситаси сифатида қарашга имкон беради. ОМШ ни бошдан кечирган беморларда жигар морфологияси ва морфометриясидаги ўзига хос ўзгаришлар шаклланишини батафсил ва замонавий усулларда чуқур ўрганиш, беморларни кейинги даволашни ва уларни реабилитациясини оқилона ўтказишга имкон беради.

3. ОМШ фонида “Fitoliver” билан даволанганда аниқланган морфологик ва морфометрик параметрлар ҳамда биокимёвий кўрсаткичлар танланган коррекция усулининг ижобий таъсирини исботлади, бу эса ушбу халқ табobati воситасини турли жароҳатлар билан касалланган беморларни комплекс даволашда ишлатиладиган дорилар қаторига киритишга имкон беради.

4. Олинган маълумотлардан тиббиёт олий ўқув юртларининг морфология, фармакология, анатомия, гистология, патологик анатомия ва гастроэнтерология фанларидан маъруза ва амалий машғулотларида фойдаланилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Багиров И. Изменения в печени белых крыс с моделированием лекарственного гепатита //Azerbaijan Medical Journal, вып. 3, сентябрь –2022. –С. 94-100.
2. Байгильдин С.С., Репина Э.Ф., Каримов Д.О., и др. Морфологические изменения в паренхиме печени крыс при подострой интоксикации акриламидом и возможность их профилактической коррекции // Гигиена и санитария. –2023. –102(6). –С. 597–600.
3. Белобородов В.А., Белобородов А.А. Чихачев, Е.А. Травма печени мирного времени // Байкальский медицинский журнал, –2010 –95(4). –С.45 - 48.
4. Брагинская А.И., Колчир В.К., Шкаренков А.А., и др. Лекарственные препараты на основе расторопши пятнистой //Химия. Технология. Медицина. –2000. –С. 282-291.
